Олтинсой туман Марказий касалхонасининг бош ҳакамига бир савол

2-бет

Жиноятлар изидан фалокатлар, кулфатлар изидан ёвузликлар илашиб келяпти... Улардан халос бўлгинг келади, одам!..

3-бет

"Юз доллар тўлайман, динимизга ўтасизми?"

4-бет

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ҲУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 9 - 15 июнь | 23 (125)-сон

ТЕСТ СИНОВЛАРИ: УЧ ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗА

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1999-2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ, янги ўқув йилидан бошлаб абитуриентлар айрим мутахассисликлар бўйича тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлардан ўтказиладиган бўлди... Қуйида биз яна тест муаммоларига бағишланган мақолани диққатингизга ҳавола этаяпмиз.

Долзарб

Ўзбекистон келажагининг буюқ бўлиши бугунги фарзандларимизнинг қандай тарбия олишига боғлиқ. Улар илиги бақувват, тўқ, жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан пок одам бўлиб ўсиши керак. Бу тўғрисида ҳукуматнинг, бутун жамоатчиликнинг қанчалик қайғураётганлиги ҳаммамизга аён. Ҳар йили ўрта мактаб ҳамда бошқа ўқув юртларини битириб, турли олий ва ўрта билимгоҳларга кириш истагида бўлган минг-минглаб ўғил-қизлар орасидан энг муносибларини танлаб олишни таъминлаш учун тест синовлари тизимига ўтилгани ҳам буннинг бир далилидир. Талабаликка қабул қилишда тест тизимига ўтилганини, фарзандларимиз ўқишга эндиликда ҳеч қандай таниш-билишсиз ягона мезон - билимига кўра қабул этилаётганини дилдан қўллаб-қувватлайман. Маъқули, ҳалол йўли шу-да.

БИЛИМ ОЛИШ МУҲИММИ, ЁД ОЛИШМИ?

Ҳамонки, тест тизими аввалги синов усулларига қараганда илғор ҳисобланар экан, уни жорий этиш асносида намоён бўлаётган айрим нуқсонлар, йўл қўйилаётган камчиликларни бирма-бир таҳлил этсак, мақбул фикрларни инобатга олиб, такомиллаштира борсак, айни муддао бўларди.

Биринчидан, мен ўзим ўн беш йилдан бери бир неча олий ўқув юртларида дарс бериб келаман. Илгари, имтиҳон топшириб ўқишга кирган болаларни ҳам, мана кейинчалик, тест асосида талаба бўлган йигит-қизларни ҳам ўқитдим. Ростини айтганда, тест синовларидан ўтган талабалар аудиториясида илк бор маъруза ўқиш олдидан бироз тараддудланганим эсимда. Буларнинг ҳаммаси фақат ҳалол йўл билан ўқишга кирган, демак ораларида чаламулласи йўқ, барчаси қарийб бир хилда ўткир, бир хилда зеҳнли, деган ишонч билан, умид билан дарс ўта бошлагандим. Бироқ, ажабки, уларнинг орасида илгаригидай ўта бўш, уқувсизлари бўлмагани ҳолда, аввалари онда-сонда бўлса-да "ярқ" этиб учраб қоладиган, зукко, қизиқувчан ёшлар ҳам, нимагадир, сийракроқ эканлиги ойлар ўтиб кўриниб қолди. Сирасини айтганда, бояги-бояги талабалар. Ҳолбуки, тест тизимини қўллашдан мақсад - ижтимоий адолатни тиклаш, билимли ёшлар йўлини тўсадиган таниш-билишчилик деган балони бартараф қилиш, янада муҳими - энг билимдон, зеҳни ўткир болаларни ўқишга қабул қилиш орқали миллий тараққиётга янги бир туртки беришдан иборат эди-ку?!

Яқинда қизим ўқийдиган лицейга бориб, ота-оналар мажлисига қатнашганимда, буннинг сабаблари бир қадар ойдинлашгандай туюлди менга. Суҳбатга чорлаган лицей ўқув мудири бўлмиш опахоннинг бизга қайта-қайта тайинлаб айтган асосий гапи шу бўлдики, болалар ҳозирдан бошлаб тест саволларини ва уларнинг жавобларини ёд олишлари керак экан. Лицейни битириб, олий ўқув юртига ҳужжат топширишларига ҳали бир ярим йилча вақт бор, аммо опанинг куйиб-пишиб уқтиришича, кириш имтиҳонларида 1996 йилги ахборотнома саволлари албатта тушаркан, кейинги йилларникику, ўз-ўзидан аён, шундай бўлгач, вақтни ўтказмай, биз ота-оналар, ҳозирдан ҳамма ахборотномаларни болаларга топиб беришимиз, улар эса шу саволлар ва уларнинг жавобларини ёдлашлари, ёдлаганда ҳам сув қилиб ичишлари ва бунга улгуришлари шарт экан...

- Айтиб қўяй, - деди опа дона-дона қилиб, - болаларингиз "Ахборотнома"ларнинг савол-жавоблари асосида тайёрланмаса, ўқишга кира олмайди. Шунинг учун ҳозирдан репетитор ўқитувчилар ёлланглар, улар фарзандингизга тест савол-жавобларини ёд олдиришсин. Керак бўлса, ўшандай репетиторларни топишга ҳам ёрдам бераман, ўзимизда ҳам ўткир муаллимлар кўп, уларда тестнинг тўғри жавоблари бор, шу асосда ўқитишади...

Болангга билим бераётган муаллимга қарши чиқиб бирон нарса дейиш қийин бўларкан... Бунинг устига, у жон куйдириб, болаларинг келажаги тўғрисида қайғураётган бўлса. Бироқ "Ахборотнома" саволларидан шунча дам урган устознинг лоақал бирон марта болаларга **билим** берайлик, улар илмли, билимдон одам бўлиб етишсин, бунинг учун сабоқларни пухта ўқиб-ўргансин, демагани жуда ўйлантириб қўйди мени. Гўё, бирдан-бир мақсад - нима бўлса-да, олий ўқув юртига кириб ўқиш. Бунинг яккаю ягона йўли - ахборотномадаги минглаб саволлар ва уларнинг тўғри жавобини бир-икки йил ичида қори бўлиб ёдлаб олиш... Афсуски, шу тахлит фикр юритадиган мураббийлар ҳозир ниҳоятда кўп. Ахир инсон боласининг мактабда ўқишдан асосий мақсади нима? Олий ўқув юртига кириш, холосми ёки аввало, ҳаётда қўллаши учун билим олишми?

Шу ўринда тест синовида бериладиган саволларнинг эълон қилиниши тўғримикин, деган савол қийнайди кишини.

(Давоми 2-бетда)



ҲАММОМ МЎРИСИДА... ҚУШЛАР!

Шикоят

Бизнинг Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли "Темирхўжа" жамоа хўжалигига келсангиз баъзи раҳбарларнинг "жонкуярлиги"-дан бир талай ечимини кутиб ётган муаммоларни кўриб, ажабланиб ёқа ушлашингиз турган гап. Ахир жамоа хўжалиги ҳудудидаги бешала қишлоқдан бирортасида ҳам ичимлик суви йўқлиги сабабли аҳоли ичимлик сувини туман марказига яқин жойдан фалон пулга сотиб олиб, бетон ҳовузларга солиб ичаётганлиги. Муборак нефть-газ саноати мажмуи, туманга икки қадам бўлгани ҳолда "Темирхўжа"ликларни газ билан таъминлашни ўйлаб ҳам кўрмаётганлиги кишини ажаблантиради.

Кези келганда шуни айтиш керакки, халқимиз тарихида ҳаммомлар муҳим аҳамият касб этган. Бобомиз Амир Темур замонасида Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қаршида улкан ва бежирим ҳаммомлар қурилиб халқ саломатлиги учун хизмат қилган. Унда кишилар бел, оёқ оғриги ва чўмилиб терлагандан сўнг уқалаш (массаж) каби муолажаларни олганлар. XXI аср бўсағасидаги бугунги авлод жамоа хўжалиги марказидаги икки қаватли қад ростлаб турган, муҳташам ҳаммом деб аталмиш бинога қадам ранжида қилишмайди. Бир неча вақтдан бери ёқилмаётганлиги сабаб ҳаммом мўрисида қушлар ин қуриб олган.

Хўжалик бир неча йилдан бери пахта тайёрлаш йиллик режасини ошиғи билан уддалаб келмоқда. Лекин ишчиларига иш ҳақи тўлашдан қарзи 14 миллион 348 минг сўмлик бўлгани ҳолда хўжалик бошқа ташкилотлардан 13 миллион 191 минг сўмлик дебиторлик қарзини ундиришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ (юқоридаги рақамлар туман ҳокими А.Чориевнинг Халқ депутатлари туман Кенгашининг XIII сессиясида қилган маърузасидан олинган). Натижада жамоа хўжалиги ишчилари қатори шу ҳудуддаги Косон туман халқ таълими бўлимига қарашли Лоҳутий номли ўрта мактаб ўқувчилари ҳам 1996, 1997, 1998 йилларда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб териб олишга ўз ҳиссаларини қўшиб, хўжаликдан иш ҳақи ололгани йўқ. Мактаб директори жамоа хўжалигидаги 345 минг сўмлик, қўшни "Гулбоғ" жамоа-ширкат хўжалигидаги 79 минг 330 сўмлик ўқувчилар иш ҳақини олиб беролмасдан сарсон.

Хуллас, жамоа хўжалиги аҳолисини қийнаб келаётган муаммолар йилдан йилга камаймаяпти. Қишда лой, ёзда чанг бўлган тупроқли кўчаларни асфальтлаштириш, газ, тоза ичимлик суви келтириш хусусида бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилинса-да, улар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Газетада босиладиган ушбу мақола баъзи раҳбарларни зора ғафлат уйқусидан уйғотса деб умид қиламиз.

Т.ДЎЛАНОВ,
Лоҳутий номли ўрта мактаб ўқитувчиси

КЎЗ КЎРМАГАН ДАВРОН

Абдулҳаким Шаръий Жузжоний таниқли олим, шоир ва таржимон, йигирмадан ортиқ илмий-адабий асарлар муаллифи. У Ойбекнинг "Навоий" романини, Ш.Рашидовнинг "Икки дил достони" асарини дарий тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Араб тилидан Юсуф ас-Сибоъий, Тоҳо Ҳусайн Лутфий Манфалутий каби машҳур ёзувчиларнинг асарларини таржима қилган. Ўзбекистон Республикаси матбуотида эса Жузжонийнинг саксондан зиёд шеър ва мақолалари босилиб чиққан.

Ҳозирда у Тошкент давлат юридик институтининг халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедрасида доцент вазифасида ишлаб келмоқда.

Кўзинг оч, Соҳибқирон, кўз кўрмаган давронни кўр!
Тиклаган ўз қаддини озод Туркистонни кўр!
Чиқди эркинлик қуёши, куйдириб зулмат тунин,
Мустақиллик бизга берган бу буюк имконни кўр!

Минглаб инсон бу ватанда эрк учун бўлди фидо,
Ҳуррият деб жонни берганлардан оққан қонни кўр!
Биргина Фитрат эмас, кечган бу йўлда жонидан -
Қодирий, Носир, Мунавварқорию Чўлпонни кўр!

Ер юзига сачраган сонсиз шаҳидлар қонидан
Қабрлар узра кўкарган лолаи нуъмонни кўр!
"Маърифатсизлар", дедилар бизни-ю, "ёвуз" сени,
Бу ёмон туҳматга боқ, бу нораво бўҳтонни кўр!

Қисса айтур шавкатингдан "Ер юзининг сайқали",
Тингла бу ҳаммосани, бу мислсиз достонни кўр!
Кўкка йўл очди Улуғбек "Кўрагоний зиж" ила,
Ерга бўйсунган бу зиж ила буюк осмонни кўр!

Оқсарой айвони бошдан тикланур, сен ғам ема,
Яшнаган ўлкангга боқ, унда сару сомонни кўр!
Синдириб душман тилсимин бош кўтарди ҳайкалинг,
Ҳақни тиклаш йўлида, бу ҳужжату бурҳонни кўр!

Юртинг узра бир улуғ раҳбарни кутдинг асрлар,
Энди кел, юртбошимиз янглиғ буюк инсонни кўр!
У атаб қурди сенга бу қаҳрамонлик ҳайкалин,
Ифтихоринг тиклаган бу қаҳрамон ўғлонни кўр!

Музейинг кўк гумбазидан бўлди бир юксак нишон,
Сен учун унда қурилган қубба-ю айвонни кўр!
Сен туғилган кун нишонланди жаҳон микёсида,
Олам аҳлидан буюк бу ҳурмату изъонни кўр!

Бирлашиб эркин яшаш дарсин берар Гўри Амир,
Турбатингдан бирлик анвори ёғар, ламъонни кўр!
Халқни бирлаштирур доим улуғ номинг, Темур,
Ўлкани асраш йўлида бу темир қалқонни кўр!

Энди Турон мулкида халқинг буюк давлат қурур,
Қўл қўйилган бу муқаддас фикр учун паймонни кўр!
Тузди ўзбеклар адолатга асосланган тузум,
Байроқу туғрога боқ, мадҳия-ю фармонни кўр!

Ўчмагай юртингда сен ёққан тамаддун машъали,
Яркираб, нурга кўмилган мустақил Туронни кўр!

Абулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

Изоҳлар: *Лолаи нуъмон - қизил лола; ҳаммоса - эпос; бурҳон - кучли далил; изъон - қабул қилиш, эътироф этиш; ламъон - порлаш.*

АЁЛ, ОИЛА, БОЗОР

Айтай десам гапим кўп...

Хат

Кексайиб қолдим. Уруш ногирониман. Қариган чоғимда ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларни кўриб-кузатиб дам қувонаман, дам ранжийман.

Қувонишим боисини айтсам, мамлакатимизда Президентимиз етакчилигида олиб борилаётган ишлардан мамнунман. У киши кеча-кундуз халқнинг бахти, фаровонлиги йўлида жонбозлик қиляптилар.

Аёллар йили деганн кўп ажойиб иш бўлди. Аёлларни асраб-авайлашни ўрганишимиз керак. Баъзан, ёш-ёш гулдай жувонлар эридан ажрашганини эшитиб қайғураман. Боласини бағрига босиб қаёққа боришини билмай, кўз ёшини яширолмай турган аёлни тасаввур қилинг, қандай аянчли манзара!..

Менга қолса, айниқса эгизак фарзанд кўрган оналарга чилласи чиқмай алоҳида уй-жой берардим. Кўп болали оналарнинг иш вақтини қисқартирардим.

Турмуш қуришга аҳд қилган йигит-қиз махсус врач кўригидан ўтиши расм бўлди, деб эшитдим. Жуда маъқул иш бўлибди. Оила қураётган ёшларнинг соғломлиги, бир-бирига муносиблиги нечоғли зарур бўлса, улар мусулмончилик одатларини билиши ҳам шунчалик муҳим.

Ҳай, барака топгур ёшлар! Қулоғингизда бўлсин: ажралишни хаёлингга келтирмаларинг! Менга қолса-чи, фарзандли бўлдингми, бас, оилани бузишга йўл йўқ - яшайсан, вассалом! Ҳар оилада 5 тадан ўғил-қиз туғилса, уларни соғ-омон тарбиялаб, ювиб-тараб, ватан корига ярайдиган қилиб вояга етказсанглар, нақадар гўзал бўлур эди. Афсуски, аёллар катта-катта қоп ва бўғчаларни ташмалаб юрганини, бозорда бақир-чақир қилаётганини, тиланчилик билан машғуллигини кўриб хафа бўламан.

Аёлларимиз-а?!

Хуллас, айтай десам, гап кўп. Бир мўйсафид бобой сифатида газетга ёздим-да...

Мирфаёз ҒИЁСОВ

Пиёз, картошка кимники?

Биз халтани ўғриламадик

Ҳодиса

Олтинчи июнь, якшанба куни эрталаб соат тахминан 9 эди. Тошкентдаги Фарҳод бозоридан рўзғорга зарур майда-чуйдалар харид қилдик. Машинага чиқаётганимизда қўшнимиз ўғлимга, "Халтани анаву жойга қўйдим, мен ҳозир келаман" деди-да, ўзи шошганича яна нимадир олгани кетди. Хуллас, харажатларни катта қилиб, уйга қайтдик, аввал қўшнимнинг, сўнг ўзимизнинг юкларни машинадан туширдик. Юклар орасидаги бир халтанинг эгаси чиқмади: мен қўшнимники деб ўйлабман, қўшним бизга тегишли деб хаёл қилибди. Шундагина боя бозорда англашилмовчилик юз берганини, яъни ўғлим қўшнимнинг гапини чалкаш тушуниб кимнингдир халтасини машинага солиб қўйганини кечикиб билдик.

Хижолатвозлик кейин бошланди. Ахир биз атайин бундай қилмадик, халтада тахминан 5 кило картошка, 5 кило пиёздан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қайтариб бозорга олиб борсак эгасини топамизми, қаердан топамиз деган хижолатда, фақат халтанинг эгаси бизни ўғрига ё муттаҳамга чиқариб қарғамасин-да, дея илтижо қилишдан ўзга чорамиз қолмади.

Начора, ҳаётда шунақаси ҳам учрар экан-да...

Ҳасан Н.

ЙЎҒ-Э! Журналист журналистга пора берибди

МАРДИКОР... СОЛИҚ ТЎЛАСИН!

Таклифнома

Мардикор бозори ҳақида эшитмаган, билмаган одам, ёзмаган газета қолмади, ҳисоб. Дарҳақиқат, биз қачонлардир ё бевосита ушбу бозорнинг иштирокчилари бўлганмиз, ёки мардикорларнинг меҳнатидан фойдаланганмиз. Агар эътибор қилган бўлсангиз, узоқ йиллар давомида бу бозорнинг таркибини асосан талабалар ва вақтинча ишсиз, бўш юрган кишилар ташкил этарди. Юртимизда очиқ бозор муносабатлари тобора шиддат билан ҳаётимизга кириб улгурган ҳозирги кунларда эса мардикор бозоридаги таркиб ўзгарди. Кўплаб корхоналарда ишчи ўринларининг қисқариши, натижада бўш ишчи ўринларининг йўқлиги, иш ҳақларининг, айниқса қишлоқ хўжалигида узоқ муддатлаб берилмаслиги оқибатида мардикор бозори меҳнатга яроқли аҳоли учун ягона иш топиш жойи бўлиб қолди.

Умуман олганда, мардикор бозори Шарқ мамлакатларида қадимдан мавжуд бўлиб келган, бу нарса кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган нарса эмас. Лекин ўтиш даври шароитларига келгандан сўнг бу жараён муаммо даражасига кўтарилди. Ҳолат шу даражага етдики, мардикор бозорларда вояга етмаган болалар ва аёлларнинг меҳнати ҳам таклиф қилина бошлагани кўпчилигимизга сир эмас.

Мардикор бозорига таъриф бераётганимизда бу ерни ўзига хос "Меҳнат биржаси", десак янглишмаган бўламиз. Чунки бу ерда ўз меҳнатини таклиф қилувчи томон — мардикорлар ва бу меҳнатни сотиб олувчи томон — буюртмачилар ўзаро иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Шу ернинг ўзидаёқ икки томонлама шартнома тузилади. Албатта, деярли ҳамма ҳолатларда шартнома фақат оғзаки келишув орқалигина бўлади. Шундай бўлса-да, бу меҳнат бозори ҳам умумиқтисодий талаблар асосида фаолият кўрсатади. Иқтисодиётнинг асосий қонуни ҳисобланган талаб ва таклиф тамойили, айтиш мумкинки, бу бозорни ҳам четлаб ўтмайди. Фақатгина бу ерда бугун талабга нисбатан таклифнинг номутаносиблиги яққол кўзга ташланади.

Ишсизлик муаммоси очиқ бозор иқтисодиёти учун табиий ҳолат ҳисобланади ва одатда тўла иш билан бандлик дейилганда ишга яроқли аҳолининг 94 - 96 фоизи иш билан таъминланганлиги тушунилади. Аммо, мардикорларни ишсизлар тоифасига ҳам, ишловчилар қаторига ҳам қўшиб бўлмайди. Зеро, ишчи деганда мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар ҳар қандай корхонада ишлаётган ёки якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахс тушунилади. Хўш, у ҳолда мардикорларга қандай ҳуқуқий мақом берилиши лозим, деган табиий савол туғилади. Агар улар якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар тоифасига мансуб бўлса, демак улар ҳам жойлардаги солиқ идораларидан рўйхатдан ўтишлари лозим. Аммо, ишончим комилки, уларнинг бирортаси ҳам рўйхатдан ўтган эмас. Қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, ўз хоҳишлари билан ўтмоқчи ҳам эмаслар. Ваҳоланки, сиз билан биз каби улар ҳам турли хил ижтимоий имтиёзлардан ўз вақтида фойдаланишаяпти. Шундай экан, улар ҳам сиз ва биз каби белгиланган миқдорда давлат хазинасига солиқ тўлашлари шарт. Давлатнинг ижтимоий соҳаларга ажратаётган маблағлари манбасини солиқ тўловчилар тўлаётган солиқлар ташкил этади. Шундай экан, ҳуқуқий фуқаролик давлати қуриш йўлидан бораётган бир пайтда биз нафақат ўз ҳуқуқларимизни, балки шу билан бирга давлат олдидаги бурчларимизни ҳам тўла-тўкис англамоғимиз керак.

Айни пайтда муаммонинг яна бир томони мавжудки, буни кўриб ўтмасликнинг имкони йўқ. Аксар ҳолларда мардикорларнинг меҳнат ҳуқуқи ҳеч ким томонидан муҳофаза қилинмаган. Уларнинг ишлаш, дам олиш шароитлари баъзан ҳатто оддий талабларга ҳам жавоб бермайди. Бевосита иш жойида тан жароҳати олиб, соғлигидан ажралган мардикорлар учун ҳеч қандай нафақалар белгиланмаган. Кўплаб ҳолларда улар дуч келган жойларда ётиб қолишади. Бундан кўриниб турибдики, мардикорларнинг ҳам муаммолари бисёр. Сабабки, улар ҳеч қандай бир расмий тартиб-қоидага бириктирилмаган ёки улар асосида рўйхатдан ўтмаган. Аслида, ана шундай мардикорларга оид масъулиятни бўйнига олиб ишлайдиган ташкилот ҳам айни пайтда йўқ, ҳисоб.

Хуллас, бу муаммонинг бир ўтиришда ечимини топиш мумкин эмас. Токи бутун мамлакат микёсида янги иш ўринларини яратиш йўлида уринишлар бўлмас экан, муаммо муаммолигича қолиб кетаверади. Собиқ шўролар салтанати даврида Ғарб дунёсига иш билан бандлик муаммоси тўла ҳал этилган, дея айюҳаннос солиб, мамлакатимиздаги мардикорчиликнинг мавжудлиги хусусида сўз очишга ҳеч ким журъат этмас эди. Бугун эса мазкур муаммони атрофлича таҳлил қилиш даври келди, деб ўйлаймиз.

Д.ҲАМРАҚУЛОВ,
Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтининг 3-курс талабаси

"КОМСОМОЛОБОД"ГА ТУШИБ ЎТИНГ

Ол-а!

Катта ҳарфлар билан пешонасига "Комсомолобод — Андижон" деб ёзиб қўйилган 24-30 АНМ автобуси Андижон шоҳбекатига келиб тўхтади. Бу ҳақда ҳайдовчидан сўрасак бўлар эди. Аммо у: "Кичик одаммиз, буни катталар билади-да", - дейиши аниқ. Шунинг учун уни суҳбатга тортишдан ўзимизни тийдик.

Ҳатто Андижон шоҳбекатидаги "14 - Комсомолобод, Луғумбек майдончаси" деган ёзувлар эътиборимиздан четда қолмади.

Кейин билсак, "Комсомолобод — Чинобод", "Комсомолобод — Шаҳрихон", "Комсомолобод — Бўз" автобуслари бирдек қатнаб ётибди экан. Гапнинг индаллоси автобусларнинг қатнаш-қатнамаслигида эмас. Гап уларнинг номланишида.

Қизиқ. Андижонликларнинг талаб ва истаклари бўйича 1996 йил 26 апрель куни Республика Олий Мажлиси махсус қарор қабул қилган эди. Унда Комсомолобод тумани Улуғнор номини олган эди. Орадан шунча вақт ўтибди. Аммо Комсомолобод номи ҳамон автобусларнинг пешоналарида сақланиб қолаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Балки бу саволга Улуғнор туманидаги 154-, Балиқчи туманидаги 102-, Шаҳрихон туманидаги 37-, Бўз туманидаги 155-автокорхона раҳбарлари жавоб беришар?!

Бир қарашда майдакашлик, арзимаган гапдек кўринади. Бироқ ана шу арзимаган нарсадан собиқ тоталитар тузумнинг нафаси келаяпти-да.

Пешонамиздаги ёзиқларга 1991 йилнинг 1 сентябрида барҳам берилди. Автобусларнинг пешонасидаги ёзувлар қачон алмаштирилади?

Маъмур МУСУЛМОНОВ

ЎЗБЕКЧА ГАПИРОЛМАЙСИЗМИ?

Матбуот анжуманида шундай бўлди

Эски гап

Мен ишлайдиган таҳририятда ҳам ўзбек тилида, ҳам рус тилида газеталар чиқади. Ўзим "Оила шифокори" газетасининг мухбириман. Хизмат юзасидан кўпгина жойларда бўламиз, йиғилишда қатнашамиз.

Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди.

Унда Миллий матбуот марказининг раиси Амирқул Каримов, "ЭКОСАН" Халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ниёзматов иштирок этишди.

Мени таажжублантирган нарса — бундай йиғилишлар ҳамон эски усулда ўтиши. Уч йилдан буён "ЭКОСАН"нинг кўпгина анжуманларида бўлдим. Лекин бирор маротаба ҳам бу йиғилишлар соф ўзбек тилида олиб борилмаяпти. Ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига эса ўн йил бўлди. Тилимизга эътибор шуми?

Анжуман бошланишидан олдин А.Каримов йиғилиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади деб эълон қилди. Аммо Ю.Шодиметов нақ ярим соат Тожикистон алюмин заводининг салбий таъсири натижасида зарар кўраётган минтақадаги экологик муҳит ҳақида рус тилида гапириб бердилар. Ахир шунинг ўн беш дақиқасини ўзбек тилида гапирсалар ҳам бўларди-ку? Йиғилишда 50 га яқин журналист қатнашган бўлса, шундан бор-йўғи ўнга яқини русийзабонлар эди. Мен-ку ўзимга яраша тушуниб оларман, лекин ҳамма ҳам рус тилини яхши тушунмаслиги мумкинку. Ҳафсалам пир бўлиб ўтиргандим, хайрият Бахтиёр ака соф ўзбек тилида гапириб қолдилар.

Менинг бирдан-бир таклифим, ўтказиладиган ҳар қандай йиғилишлар ўзбек тилида олиб борилса. У ерда тар қатиладиган хабарлар ҳам ўзбек тилида бўлса, айни муддао бўларди...

Ҳонбиби ҲИММАТ қизи

Тафтиш

РАҲБАРГА НИМА "ПОЛОЖЕНО"?..

Буни Олтинсой туман Марказий касалхонаси бош ҳакимидан сўранг

Қон босими кўтарилиб ўзини ёмон ҳис қилган олтинсойлик фуқаро Ж.Мустанов "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилди... Аммо туни билан зориқиб кутгани - "Тез ёрдам" машинаси эртаси куни етиб келди.

- Кечаси мазам қочиб ўлаёздим! - дейди Ж.Мустанов. - Аламим келиб, бош врачнинг ҳузурига борсам: "Бензин йўқ эди", - дейди. Аччиқ устида: - "Ўзингиз миниб юрган янги "Дамас"га бензин топилибди-ку, шуни юборсангиз бўлмасмиди?" деб эдим: "Бу машина мен билан банд эди", деган жавобни эшитдим. Ишқилиб... айтишиб қолдик. Бош врач: "Борадиган жойингга борабер" деди. Қаёққа ҳам борардим, ўтириб газеталарингизга ариза ёздим-да!

Ҳақиқатан ҳам Олтинсой туман "Тез ёрдам" қайдномасида 1999 йил 20 февралда кеч соат 19.20 дан бошлаб: "Бензин йўқлиги учун чақириқлар қабул қилинмади", деб ёзиб қўйилган экан.

...Олтинсой туман "Тез ёрдам" бўлими мослаштирилган 8 хонали бинода жойлашган эди. Бўлим ходимлари ўз маблағлари ҳисобидан бу эски бинони таъмирлаб, баҳоли қудрат ишлаб тургандилар. Касалхона бош ҳакими А.Ахметовнинг буйруғи билан "Тез ёрдам" бўлими Марказий касалхона биносига кўчирилди ва туман СЭС рухсатисиз, санитария - эпидемиология қоидаларига зид равишда касалхонанинг қабулхонаси бўлган иккита хонага жойлаштирилди.

Бош ҳаким Асадулло Ахметов биз билан суҳбатда шу мавзуга тўхталиб:

- "Тез ёрдам"нинг аввалги биноси анча эскирган эди. Шунинг учун ҳам кўчиришга мажбур бўлдик, - деб изоҳлади.

Биз "Тез ёрдам" бўлимининг ходимлари меҳнат шароити ёмонлашганидан норози бўлаётганларини эслатганимизда бош ҳаким:

- Эски бинода назоратсиз - ўз бошича ишлаб ўрганганлари сабабли норози бўлаётгандирлар-да! - деб жавоб берди.

Биз бош ҳакимга: "Ходимларнинг норозилиги ўз йўлига, лекин санитария қоидалари, қабул қилинган норматившлар бўйича ҳамда СЭС ходимлари хулосасига кўра собиқ қабулхона "Тез ёрдам" бўлими талабларига мутлақо жавоб бермаслигини" эслатишни эп кўрмадик. Шифокорга буни эслатиш бамисоли соқов одамнинг хонандага қўшиқ айтишни ўргатишидай гап...

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Марказий касалхонасидаги умумий аҳвол билан танишишимиз ана шу тарзда бошланди...

Афсуски, аҳвол биз кутганимиздан ёмонроқ экан...

Марказий касалхонага қарашли 37 та машинадан 12 таси носоз. Қолган 25 таси "соз" ҳисобида турса-да, уларнинг кўпчилиги аккумулятор ва баъзи эҳтиёт қисмлар йўқлиги учун ишламайди. Масалан, Хўжасоат қишлоқ шифохонасига қарашли УАЗ русумли СДМ 51-70 давлат рақамли "Тез ёрдам" машинаси 1998-1999 йилларда бирор кун ҳам ишламаган бўлса-да, айни шу машинага ҳайдовчи этиб тайинланган 4 киши маош олмоқда. Кўпгина "соз" - носоз машиналар ҳайдовчилари эса касалхона бўлимларининг "хўжалик ишларига ёрдам бериб" турибди.

Марказий касалхонага қарашли юқумли касалликлар шифохонаси ҳисобида турган, аммо анчадан буён "аккумулятори йўқ" УАЗ русумли 2 та машина учун 1998 йилда 1740 литр, 1999 йилнинг 1-чораги учун... 500 литр бензин чиқим қилинибди. Бунга нима дейсиз?

Касалхонада ёнилғи харажати ғалати аҳволда. Жумладан, "Тез ёрдам" бўлимидаги 3 та автоуловга 1998 йил давомида 13131 литр, 1999 йил 1-чоракда 1836 литр ёнилғи чиқим қилинган бўлса, бош ҳаким Ахметов ва унинг муовинларига беркитилган уловларга 1998 йилда 16379 литр, 1999 йил 1-чоракда 2519 литр ёнилғи харж қилинган. 1998 йилда 1 кун ҳам ишламаган Вахшивор шифохонасидаги маъшина ўзидан "ишлаб кетиб", 1999 йил 1-чоракда 540 литр бензин "ебди". Бу ёғи-ку майли, лекин гаражда ётган носоз УАЗ русумли 52 - 07 СДМ машинасига 1999 йилнинг I чорагида 370 литр бензин чиқим қилганини мажбурлаб бўлсаям тасаввуримизга сиғдиролмадик. Ушбу фактларни хомчўт қилсак, "Тез ёрдам" бўлимида ёнилғи бўлмай қолишининг сабабини тушуниш учун жуда билимдон бўлиш шарт эмаслиги ойдинлашади-қолади.

Бош ҳаким А.Ахметов "Тез ёрдам" бўлими учун ажратилган "Дамас" русумли 19 АВ 833 рақамли машинадан ҳозирги кунга қадар хизмат машинаси сифатида фойдаланиб келмоқда. Бу машинага 1998 йилда 5885 литр, 1999 йилнинг 1-чорагида 1288 литр ёнилғи сарфланган. Тўғри, бош ҳакимга хизмат машинаси жуда зарур. Чунки А.Ахметов Шўрчи туманида яшаб, Олтинсойга қатнаб ишлайди. Хизмат машинаси бош ҳакимнинг уйидан олиб келиш ва элтиб қўйиш учун кунига 150 км йўл босиши керак.

Биз бош ҳакимга Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг "Дамас" машиналаридан мақсадли фойдаланиш ҳақида"ги 1997 йил 31 декабрь 363-сонли буйруғи ҳақида эслатганимизда:

- Мен раҳбарман. Менга хизмат машинаси "положено!" - деди.

Балки бош ҳаким ҳақдир, бироқ, вилоят бошқармасининг буйруғини бажармаслик раҳбарлик одобига тўғри келармикин?!

Олтинсой туман касалхонаси бўлимлари 1998 йилда туман СЭСи томонидан бир неча бор ёпиб қўйилганини айтсак балки ишонмассиз? Лекин бу - ҳақиқат! Афсуски, бу ҳолатлардан бош ҳаким тегишли хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилмаган. Натижада, СЭС ходимлари 1999 йил 23 апрель куни Марказий касалхона қабулхонасини тағин ёпишди. Бунинг сабаби туман СЭСининг 24 апрель 1999 йил 102-сонли хатида қуйидагича талқин қилинган:

" 1-Марказий шифохона ва тумандаги барча даволаш муассасалари 1998 йил январь ойидан 1999 йил 23 апрелгача бир килограмм ҳам дезинфекция моддалари олмаган ва бу билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқумли касалликларнинг ва касалхона ички инфекцияларининг олдини олишга қаратилган 173-, 156-, 96-, 618-, 198- ва бошқа қатор буйруқларини бажармай келгани учун;

1. Марказий шифохона учун қурилган тозалаш иншооти қатор йиллардан буён ишлатилмай келинаётгани ва касалхонадан чиқаётган оқава сувлар аҳоли соғлиғига хавф туғдираётгани учун;

2. Марказий шифохона ва барча даволаш муассасалари 1998 йил ноябрь ойидан буён бир килограмм ҳам совун, сода олмагани ва касалларнинг кийимлари умуман ювилмаётгани учун;

3. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар етишмаётгани, касаллар ўз уй кийимидан фойдаланаётгани учун;

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 570- ва 1999 йил 18 февралдаги 96-сонли буйруғига асосан барча даволаш муассасаларида ўта хавфли касалликлар қайд қилинганда керак бўладиган кийим-бошлар комплекти / ПЧК/ ва БИКС укладкалари, дезинфекцияловчи ҳамда даволаш учун дори-дармонлар захираси тайёр қилинмаганлиги учун..."

Бас, СЭС кўрсатган 9 банддан иборат камчиликларнинг бештасини келтирдик, етади. Ахир биз қассобхона эмас, касалхона ҳақида мақола ёзяпмиз. Шу боис, қолган яна тўрт бандини келтириш ортиқча...

Даволаш ишларидаги қусурлар дори-дармон таъминотига бориб тақалади. Марказий касалхонада дори-дармон таъминоти қай даражада эканлигини билиш учун 1999 йил март ойида юқумли касалликлар шифохонасида даволанган фуқаро Ибрагимов Панжининг хатидан кўчирма келтириш кифоя:

"Мен чернобилчиман. Касалхонада менга бепул дори-дармон берилиши керак. Аммо дориларни ўзим сотиб олаяпман. 15000 сўмга дори олдим. Бундан буёғига нима қилишимни билмайман. Касаллардан ва дўхтирлардан қарздор бўлиб қолдим..."

Хўжаипок қишлоқ шифохонаси ҳакими Оллаёров ўз бўлимининг дори-дармон билан атиги 10-15 фоиз таъминланаётганини куюниб гапирди. Ваҳоланки, марказий касалхона 1998 йилда 7 022 339 сўмни, 1999 йилнинг I чорагида 5 176 000 сўмни фақат дори-дармон учун сарфлаган. Дори-дармон масаласида ҳам "бошқотирмалар" бор. Масалан, Марказий касалхона Олтинсой туман "Дори-дармон" ҳиссадорлик жамиятидан 1 892 339 сўмлик дори-дармон олган. Қолган 5 130 000 сўм маблағ бошқа туманлардаги дорихоналар ҳисобига ўтказилиб, дори олинган. 1998 йилнинг якунида эса Олтинсой туман "Дори-дармон" ҳиссадорлик жамияти раиси марказий касалхонага қарзга дори берганлиги (дебитор қарзи борлиги) учун... аттестациядан "ўтолмай" ўз вазифасидан четлатилган. Айни чоғда Марказий касалхона бош ҳакими Денов туманидаги "Доришунос" дорихонасига 2.050.000 сўм пул ўтказиб, муомала қилган. Дори-дармон учун маблағ бор бўла туриб, ўзи ишлаётган туман ҳудудидаги "Дори-дармон" ҳиссадорлик жамиятидан қарзга олган дорининг пулини тўламай, бош ҳакимнинг Денов тумани "Доришунос" дорихонасига пул ўтказишнинг сабабини тушуна олмадик...

Олтинсой туман СЭСи томонидан марказий касалхонанинг туғруқхона бўлими ёпиб қўйилгани ҳам рост. Шундай оғир аҳволдаги туғруқхонада оналар ва болалар муҳофазаси қандай йўлга қўйилгани билан қизиқдик. Касалхона раҳбарияти бизга тақдим этган маълумотномасида 1998-1999 йил давомида 1 та она ўлими /Қурбонова Малика, 1959 йил туғилган/ содир бўлгани ва рўйхатга олингани ёзилган. Лекин...

Олтинсой туман Мўминқул қишлоғида яшовчи Юсуп Зиятов хатидан:

"Келиним - 1978 йилда туғилган Абдумўминова Гулабза 1999 йил 2 февралда туғруқхонада қаровсизлик натижасида вафот этди. Марказий касалхона бош врачига бир неча бор мурожаат қилганимга қарамай, бир келиб ҳолидан хабар олмади..." - деб ўкиниб ёзади. Бироқ Абдумўминова Ғулабза оналар ўлими рўйхатига киритилмаган...

Касалхоналар - бюджет қарамоғидаги муассаса. Шундай экан, унинг раҳбари давлат ажратиб берган маблағни оқилона сарф қилиши лозим. Халқимизда "Эл соғлиғи - юрт бойлиги" деган мақол бор. Ёш ва мустақил давлатимиз халқимизнинг соғлиғини муҳофаза қилиш учун барча чораларни кўраяпти. Шундай шароитда туман СЭСи хулосасидан кўриниб турибдики, Олтинсой марказий касалхонасида ва унинг барча бўлимларида аҳвол, юмшоқ қилиб айтганда, ўта аянчли. Ушбу мақоладан сўнг аҳвол ўнгланармикан? Энди буёғи мутасаддиларга ҳавола.

Даврон ОРИПОВ,
Ҳолиқ ХУРСАНДОВ,
ўз мухбирларимиз

Шикоят

НОТАРИУС СУДГА ЧАҚИРИЛМАДИ!

Оқибатда бор айб боламнинг гарданига тушди

Бундан икки йил муқаддам, Миробод тумани ИИБ терговчиси В.Ким томонидан менинг қизим - Елена Китаевага нисбатан ЎзЖКнинг 227-моддаси 1-қисми (ҳужжатлар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш ёки яшириш) билан жиноят иши қўзғатилди...

Гап шундаки, ўша йилнинг 4 февралида Биринчи Тошкент нотариал идораси нотариуси С.Ғафарова томонидан қайнонам Екатерина Китаеванинг ўзига қарашли уйини (Қўйлиқ-4, 24-уй, 14-хонадон) қизимга ҳадя қилиши тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилганди. Мазкур ҳадя шартномасини расмийлаштириш чоғида бирмунча хатоларга йўл қўйилиши қизимнинг устидан жиноий иш очилишига сабабчи бўлди. Гўёки, қизим бувисига қарашли ҳужжатларни қўлга киритиб, ҳадя шартномасига ҳам ўзи имзо қўйган эмиш! Тергов жараёнида бу ўта баҳсли айбнома ўзининг қонуний ечимини топишига қаттиқ ишонган эдик, аммо умидимиз пучга чиқди, бу ҳам етмаганидек, боламга ЖК 168-модда 4-қисмида (фирибгарлик) ҳамда шу Кодекснинг 228-моддасида кўрсатилган айблар ҳам тиркалди. Эмишки, қизим бувисининг уйини нотариал ҳужжатга сохта имзо қўйиб, "расмийлаштириши" натижасида ўзганинг мулкини (яъни қайнонамнинг уйини) фирибгарлик билан ўзлаштирганмиш. Қизиғи шундаки, тергов жараёнида уй 98 (тўқсон саккиз)минг сўмга баҳоланди, бироқ бу сумма 1997 йилнинг август ойидаги нарх-наво бўйича белгиланди. Ваҳоланки, мазкур уй нотариал тартибда расмийлаштирилаётганда (1997 йил февраль) 50 (эллик) минг сўмга баҳоланган ва белгиланган тартибда шу суммадан бир фоиз миқдорида (500 сўм) давлат божи тўланган эди. Табиийки, уйнинг бундай нохолис баҳолангани тергов жараёнида ишни оғирлаштирувчи ҳолатга олиб келишига сабаб бўлди. Бу орада ҳадя шартномасидаги имзо ҳақиқий ёки сохта эканлиги бўйича экспертиза ўтказилди, унинг хулосасига кўра "имзо" сохта экан! Биз экспертларнинг бу хулосасига мутлақо қўшилмадик, қўшимча экспертиза ўтказишни талаб қилсак-да, мудом рад жавобини олдик...

Оқибатда Миробод туман суди томонидан қизим 6,5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳолбуки, юқорида кўрсатилган моддада кўрсатилганига қарши ўлароқ, қизимнинг қўлида бувисига қарашли бирор-бир ҳужжат борлиги судда ўз исботини топмаган эди... Боз устига, қонун бўйича қизим ва унинг укаси ўша квартиранинг муайян қисмига меросхўр ҳисобланади. Тергов пайтида ҳам, суд жараёнида ҳам бу ҳақда ҳеч ким гапирмади, ҳатто эшитишни ҳам исташмади. Бу билан бизнинг фуқаролик ҳуқуқимиз поймол бўлди.

Қизим устидан чиқарилган суд ҳукмида нотариус С.Ғафарова судда иштирок этиб, кўрсатма берди, дея қайд қилинган. Бўлмаган гап! Аксинча, нотариуснинг судда чақирилишини биз талаб қилганмиз, бироқ у суд залида кўринмади.

Хуллас, нотариуснинг ўз ишига совуққонлиги оқибатида ҳали ҳаётдан умиди кўп қизим жабр чекди, бу нарса унинг руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатди. Шунингдек, судга ҳам, терговга ҳам бирор марта қайнонам чақирилмади. Унинг ўз хоҳишига кўра судга келишининг иложи йўқ: қайнонам руҳий касал эди. Орадан кўп ўтмай вафот этди.

Тўғри, қизим Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонига мувофиқ берилган жазони ўташдан озод қилинди. Бунинг учун юртбошимизга катта миннатдорчилик билдираман. Аммо мазкур Фармон ҳақиқий жиноят содир этганларга нисбатан қўлланилади. Менинг қизимга қўйилган айб эса ўта баҳсли, бинобарин, унинг айбдорлик даражаси аниқ ва холис ўрганилиб, кейин бир тўхтамга келинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дастлабки суд ҳукмидан сўнг мен юқори суд босқичларига ариза ёзган эдим. Аммо баъзи шахсларнинг "ундоқ қилвораман-бундоқ қилвораман!" қабилидаги пўписасидан сўнг шикоятларимни қайтариб олишга мажбур бўлдим. Бу ҳол эса биз учун дард устига чипқон бўлди! Эндиликда қонуний ҳақ-ҳуқуқларимизнинг тикланишини сўраб тегишли идораларга аризалар ёзяпман. Аммо кутилган натижа чиқмаяпти...

Мен фақат бир нарсани - ўша бизнинг бошимизга ғавғо олиб келган "ҳадя-шартномаси"даги имзолар кимга тегишли экани бўйича ХОЛИС ЭКСПЕРТИЗА ўтказишни сўрайман. Зораки, турли идораларга аризалар ёзиб эришолмаган бу талабимга матбуот орқали қилган ушбу мурожаатимдан сўнг ижобий жавоб топсам...

Н.НИКИТЧЕНКО,
Тошкент шаҳри

ТАҲРИРИЯТДАН: Юқоридаги шикоятни ўқиб, бизни бир ёқламаликда айблашга шошмай туринг, азизлар! Мазкур таъкиддан мақсад - газетамиз саҳифаларида айрим фуқароларнинг норози оҳангда ёзган шикояти чоп этилгач, айниқса маъмурий идораларнинг баъзи ходимлари бизни "тарафкашлик"да айблашга тушадилар. Йўқ, "Ҳуррият" томонлардан бирининг ёнини олмайди. Таҳририятга келган баъзи шикоятларни эълон қилишимизга сабаб, аввало, бу - шикоятчининг қонуний ҳуқуқи, яъники, ҳар ким оммавий ахборот воситаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши қонунда белгилаб қўйилган. Қолаверса, шикоят чоп этилгач, зораки унда қаламга олинган муаммо ўзининг ечимини топса, деган умид ҳам йўқ эмас.

Фуқаро Н.Никитченко шикоятига келсак, албаттаки, у русчадан таржима қилинди, илова қилинган ҳужжатлар синчиклаб ўрганилди. Таржима жараёнида ҳиссиётга берилган ўринлар, айрим прокурор ва судьялар хусусидаги нордон мулоҳазалари имкон қадар қисқартирилди. Боисики — подадан аввал чанг чиқармайлик, юқоридаги шикоят юзасидан тегишли идоралар текширув ўтказиб якуний хулосага келсин, ана ундан кейин, лозим топилса, шикоятчининг бошқа дов-дастаклари ҳам ўртага ташланар... Эътибор берган бўлсангиз, шикоятда асосий урғу нотариусга қаратилган. Ҳозирча, мазкур масала бўйича нотариус С.Ғафарованинг нечоғли айби борлиги ҳақида таҳририят аниқ фикр айтишдан ўзини тияди. Бу ўринда биз бошқа мулоҳазани ўртага ташламоқчимиз: кейинги пайтларда Давлат нотариуслари устидан кўплаб шикоятлар тушмоқда. Судларда кўрилаётган кўпгина фуқаролик ишларининг бир чети айрим нотариусларга бориб тақалаётгани сир эмас. Шунинг учун бу масала жиддийроқ бош қотиришни талаб этади. Айни шу фикрдан келиб чиқиб, юқорида чоп этилган шикоятдаги ҳолатларнинг тегишлилик жиҳатидан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлиги ходимлари ҳам ваколати доирасида ўз муносабатини билдирса мақсадга мувофиқ бўларди. Фуқаро Н.Никитченко бекордан-бекорга шикоят ёзиб, масъул ходимларнинг вақтини олишдан манфаатдор бўлмаса керак, ахир!

ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

("Ҳуррият". "Пахтакор" ўзбек спортига муносибми?" 1999 й. 18-сон)

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси "Ҳуррият" газетасининг 1999 йил 18-сонида чоп этилган "Пахтакор" ўзбек спортига муносибми?" мақоласини ўрганиб чиқди.

Мақолада келтирилган далиллар қўмитанинг комиссияси томонидан текшириб чиқилди. Текшириш жараёнида улардан айримларининг ҳақиқатга яқинлиги тасдиқланди. Хусусан, "Пахтакор" стадионининг санитария ҳолати талабга тўлиқ жавоб бермайди. Ободонлаштириш ишлари, стадион теварак-атрофини озода сақлаш суст олиб борилган.

Мақолада муаллиф ички ишлар ходимларининг хатти-ҳаракатларига тўхталиб ўтган. Сўнгги пайтларда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда футбол ўйинларини ўтказишда хавфсизликни, жамоат тартибини сақлашга катта эътибор берилмоқда.

Футбол ўйинларини ўтказиш пайтида стадионда лотереялар ҳам ташкил этилади. Лотерея чипталари футбол ўйини чипталари билан бир жойда сотилади. Болалар учун кириш чипталари 50 фоиз арзон (50 сўм) қилиб белгиланган. Футбол ўйинларини ёритиш учун телевидение, радио ва матбуот ходимларига 36 та махсус рухсатнома берилган.

Футбол майдонидаги майса эса муаллиф футбол ўйинида бўлган кунда (10 апрелда) вегетация даври тугамаганлиги учун тўлиқ кўкармаган эди. Бугунги кунга келиб, майса тўлиқ униб чиққан. Футбол майдони Осиё Футбол конфедерацияси томонидан унда халқаро учрашувлар ўтказишга рухсат берилган.

"Пахтакор" спорт мажмуи ҳудудидаги "Теннис" дўкони Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасига тегишли бўлиб, ҳақиқатан ҳам унинг дерезалари синган. Ҳозирги пайтда дўконни Давлат спорт қўмитаси балансига ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Дўкон таъмирланиб, унда спорт моллари сотилади.

"Пахтакор" стадиони, "Ёшлик" аренаси 1955 йилда, қиличбозлик зали 1964 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу иншоотларни капитал таъмирлаш эҳтиёжи туғилди. Давлат спорт қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2000-2001 йилларда "Пахтакор" спорт мажмуини капитал таъмирлаш масалалари устида иш олиб бормоқда.

Мақолада келтирилган бошқа нуқсон ва далиллар ўз тасдиғини топмади.

Мақола "Пахтакор" спорт мажмуи меҳнат жамоасининг умумий мажлисида муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни йўқотиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ишда йўл қўйган камчиликлари учун "Пахтакор" спорт мажмуи бош директори У.Зоҳидовга ҳайфсан эълон қилинди.

Б.МАХСИТОВ,
Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

"ЭГИЛГАН ҲАҚИҚАТ"

("Ҳуррият" 1999 йил 28 апрель)

Жавоб

Газетанинг 1999 йил 28 апрель сонида чоп этилган "Эгилган ҳақиқат" номли мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Сурхондарё вилоят судининг 1998 йил 3 февралда чиқарган ҳукми билан Бедил Аҳадов ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми "б" банди ва 241-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, муддати 11 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Республика Олий суди судлов ҳайъатининг 1998 йил 4 майдаги ажрими билан ҳукмнинг Б.Аҳадовни ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми билан айблаш қисми бекор қилиниб, ҳаракатдан тугатилган. ЖКнинг 241-моддаси 2-қисми бўйича ҳаракати 207-модданинг 1-қисмига қайта малакаланиб, унга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиб, амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан жазони ўташдан озод қилинган.

Республика прокуратураси судлов ҳайъатининг ажрими билан келишмай, суд қарорларини бекор қилиш ва жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақида протест келтирган.

Республика Олий суди раёсатида иш 1998 йил 25 декабрда кўрилиб, протест қаноатлантирилган.

Ҳозирда иш бўйича Сурхондарё вилоят ИИБ тергов бошқармаси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мақолада кўтарилган масалалар жиноят ишини қўшимча тергов қилиш давомида текширилади.

Э.Ж.ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

Ватан кенгликлари

ТЕСТ СИНОВЛАРИ: УЧ ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗА

(Давоми. Боши 1-бетда)

"АХБОРОТНОМА" СОТИШ ТАДБИРКОРЛИКМИ?

Давлат тест марказининг ходимларидан бири радиодаги суҳбатида, дунёдаги тест тизими жорий этилган ҳеч қайси мамлакатда тест саволлари ва унинг жавоблари эълон қилинмайди, фақат биздагина фарзандларимиз эҳтиёжини қондириш учун бу саволлар мунтазам ёритиб борилаяпти, деган гапларни айтди.

Ажаб, нега энди тест савол-жавоблари бошқа мамлакатларда эълон қилинмайдию, бизда чоп этилади? Ёки у жойларда савол-жавобларнинг тарқатилмаслиги педагогика нуқтаи назаридан нотўғри-ю, бизда бўлса тўғримикан?

Сирасини айтганда, тест саволларининг неча ўн минглаб нусхада эълон қилинаётганлиги оқибатида мактаб битирувчиларининг олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун дарсликларни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, шу саволларнинг жавобларини белгилаш асосида тайёрланишаётгани улар билимининг ошишига эмас, аксинча пасайишига хизмат қилаяпти. Мактабни битираётган кўпгина ўғил-қизларимизга синаш учун бирор қийинроқ савол берсангиз, аксари елка қисади, ўзига ишонган, билимдонлари эса: "Менга шунинг бешта тайёр жавобини тест қилиб айтиб беринг, тўғрисини топаман", дейди. Ё тавба!

Чет элларда тест савол-жавоблари эълон қилинмас экан, бу бежиз эмасдир. Негаки, бола билимни дарсликлар ва муаллимнинг тарбияси орқали олади. Тест синови эса охирида, унинг билимини белгилашдагина асқотади. Яъни тест - билим савиясини аниқлаш учун бор-йўғи бир восита. Аммо бирор мақсадга эришиш учун воситанинг ўзи мақсадга айлантирилса, яъни идеаллаштирилса, бундан тараққиёт оқсайди, зарар кўради.

Иккинчидан, Тест саволларини оммавий эълон қилишни, борингки, тўғри, деб ҳисоблаганимизда ҳам, уларни шу тахлитда чоп этиш ўринлимикан? Демоқчимизки, Давлат тест маркази "Ахборотнома"ларининг деярли ҳар бир сонида қарийб имтиҳон олинадиган ҳар бир фан соҳасига оид саволлар баравaрига, бир чимдим-бир чимдимдан қилиб нашр этилади. Бир соннинг ўзида математика ҳам бор, география ҳам, инглиз, олмон, француз тилларига оид тестлар ҳам, тарих ҳам, биология ҳам, бошқаси ҳам... Болангизнинг қайси соҳада ўқиш истагидан қатъи назар, чоп этилган "Ахборотнома"ларнинг барчасини сотиб олишга мажбурсиз. Бу нима учун керак? Географиядан имтиҳон топшириш талаб этиладиган билимгоҳлар ниҳоятда кам. Ёки инглиз тилидан имтиҳон берувчиларга олмон тилидан, олмонча имтиҳон берувчига эса француз тилидан тақдим этилаётган савол-жавобларнинг асло кераги йўқ: Ҳамён ночор бир шароитда бунақа "тадбиркорлик" қилгандан кўра, ҳар бир фан соҳаси бўйича алоҳида-алоҳида китобчалар чиқарилса бўлмасмикан? Ана ўшанда ҳар ким эҳтиёжига ярайдиганини олади, вассалом. Ҳозирги кунда Тошкентнинг ўзида "Ахборотнома" нисбатан арзон баҳода, асосан 200 сўмдан пулланаётганини ҳисоблайдиган бўлсак, қирқ олтита "Ахборотнома"ни сотиб олиш учун бир оила камида тўққиз минг икки юз сўм сарфлаши керак. Умумий миқёсда эса - қирқ минг нусхадан қирқ олти "Ахборотнома" - 348.000.000 (уч юз қирқ саккиз миллион) сўм демакдир. Айрим жойларда улар 230-250 сўмдан ҳам пулланаяпти...

БОБУРНИНГ ХОЛАВАЧЧАСИ КИМ?

Учинчидан, Тест саволлари (фондини) барпо этишимиз ва бойитишимиз керак, ана ўшанда саволлар такрор бўлмайди, кўп вариантликка эришилади, деган "асос"га таяниб, "Ахборотнома"ни кўплаб чоп этишга шунчалик ружу қўйилдики, у ёки бу фан соҳасига умуман алоқаси бўлмаган, ёинки талаба билмаса ҳам билими камайиб қолмайдиган алмойи-алжойи, бир ўқишда англаш қийин бўлган мужмал саволлар урчиб кетди. Билсангиз, ҳар бир "Ахборотнома"да камида олти юз-етти юз тест саволи берилади. Бу дегани ҳар ойда ҳар бир фан бўйича эллик-олтмишта янги савол қидириб топилиши шарт. Ҳозиргача "Ахборотнома"нинг қирқ олтита сони чоп этилган бўлса, у ёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверасиз. Айтайлик, математикада янги саволларни топиш имкони чексиздир, негаки мисоллардаги рақамларни истаганча алмаштириш мумкин бўлар. Лекин, масалан, адабиётдан ё тарихдан бўлсачи? Ёзувчиларни, уларнинг асарларини, образлари, жанрлар ва ҳоказо конкрет нарсаларнинг бирини иккинчиси билан алмаштириб янги-янги вариант ясаб бўлмайди-ку? Қандайдир ўнинчи даражали саволларни ахтариб топиш шартмикан? Масалан, "Бобурнома"да бирров тилга олиб ўтилган фалончи муаллифга ким бўлади? Амакиваччами ёки тоғаваччами ё холасининг ўғлими? Бу... адабиётга дахлдор саволми? Абитуриент шуни билса, аниқроғи, тўғри белгиласа 3,1 балл орттириши ва шу туфайли ўқишга қабул қилиниши мумкин. Бошқа бир ўқувчи эса... Ҳолбуки, аслида шу болаларнинг иккинчиси адабиётни биринчисига қараганда кўпроқ севиши, ундан билимлироқ бўлиши ҳам мумкин. Саволнинг ўзига келсак, "Бобурнома", аввало, тарихий меъмуар асар. Унда тилга олиб ўтилган юзлаб шахсларнинг ўзаро қандай қариндошлик муносабатида бўлганлиги... балким тарих фанига оиддир, лекин адабиётга алоқаси йўқ.

"Саволлар фонди" шу зайлда тўлдириладиган бўлса, улар тобора мужмаллашиб кетаверади, олий маълумотли мутахассислар ҳам бош қашиб қоладиган жумбоқлар кавлаб топилаверади. Тарих фанидан тақдим этилган мана бу саволга қаранг: "Қачон Тошкентда таниқли қозоқ адиби Мухтор Авезовнинг ижодига бағишланган илмий конференция бўлди?" (1999, №4.) Бу тарих фанига эмас, адабиётга тегишли савол-ку? Қолаверса, унга берилган жавоб ҳам тўғри эмас: уларнинг энг эскисида "1995 йил 21 ноябрда" деб қайд этилган. Ҳолбуки, М.Авезов ижодига бағишланган илмий конференция Тошкентда 1977 йилда ўтказилганди. Унда Қозоғистон ФА академиги Муҳаммаджон Қоратоев келиб қатнашгани кечагидай ёдимда. Бундай анжуман адибнинг тўқсон йиллик юбилейига атаб 1987 йилда, юз йиллиги муносабати билан 1997 йилда ҳам ўтказилган. Бир ёқдан - савол тарихга оид эмас (сана кўрсатилса тарих бўлавермайди), иккинчидан - унга кўра М.Авезов ижодига бағишланган илмий конференция Тошкентда уч марта эмас, атиги бир марта бўлиб ўтгандай, ниҳоят, учинчидан - абитуриент қайси жавобни тўғри деб белгиласа ҳам, кўрамизки, барибир хато...

ЯНГЛИШ САВОЛЛАРГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Башарти, тест саволларини "Ахборотнома" тарзида нашр этиб сотиш муддаоси бўлмаганида эди, ҳар бир фан бўйича энг асосий ва керакли миқдордаги саволлар билан кифояланиш, яъни имтиҳон залига кирган абитуриентлар эсанкираб қолмасликлари учун ҳар бир фандан ўн-ўн беш савол намуна тариқасида кўрсатилар, хуллас, қирқ олтита ўрнига битта "Ахборотнома" чиқариб, шу билан бас қилиш мумкин бўларди.

12 фан бўйича тест топшириқлари жамғармаси ҳозир 60 мингтадан ортиқ саволга эга! Бу, эндигина ўрта мактабни тамомлаган боладан ўзи танлаган олий ўқув юртига кириш учун камида учта фаннинг ҳар биридан камида беш мингтадан, жами ўн беш минг саволга жавоб топишни талаб этиш дегани... Бунда саволларнинг катта қисми сунъий ўйлаб топилиши, билимни ҳаққоний баҳолашга хизмат қилолмаслиги, кроссворд тахлит бўлиб қолиши табиий.

Мен ўйлайманки, абитуриент муайян фан соҳаси бўйича беш юз-олти юз, борингки, мингта, аммо ПУХТА ЎЙЛАБ тузилган саволга жавоб бера билса - аслида катта гап шу. Аруз тизимининг хийла мураккаб баҳрларида ёзилган шеърларнинг парадигмасини топиш сингари, етук шеършунос олимлар ҳам бош қашиб қоладиган, тузувчисининг ўзидан эртасига сўрасангиз жавобига иккиланадиган саволлар ўрнига худди ўша байтларнинг мазмунини талқин этиш вариантлари берилса бўлмасмикин?

Алал-оқибат, кўп жойларда бўлаётганидай, бунча маълумотни каллага сиғдириш амримаҳоллигини пайқаган зукко болалар техника ёрдамида қумурсқанинг кўзи ҳам аранг илғайдиган, бағрига юзлаб савол ва унинг тўғри жавоби жо бўлган "шпаргалка"лар тайёрлашга тушишди. Абитуриентлар бир ёқдан...

Ўз навбатида, иккинчи ёқдан тест саволлари ҳам тутқич бермас эчкидай, бир боққа, бир тоққа қараб қочиб, эпчил болаларни ҳам сарсон қилаётир. Биология бўйича тақдим этилган саволлардан бири ва унга тақдим этилган жавоблар бунинг далили. (1999, №5.) Чунончи: 34. Вирусларнинг келиб чиқиши ҳақида қандай фаразлар мавжуд? (Шундан сўнг бешта фараз олға сурилгач, жавобни белгилаш учун бешта вариант ҳам берилади) A) 2,4,5. B) 1,3,4. C) 1,3,5. D) 1,2,4. E) 2,4,5. Тест қоидаларига кўра, бешта вариант ҳар хил бўлиши даркор, аммо мазкур мисолда A ҳамда E жавоблари айнан келиб қолган. Гоҳо тақдим этилган савол ва унинг жавоблари матнидаги имловий ва бошқа хатолар туфайли талаба янглишадиган мисолларни истаганча келтирса бўлади.

Биз асосий диққатингизни бу мисолларга қаратмоқчи эмасдик... Бош кетганидан кейин сочга аза тутилмайди, дейдилар. **Энг катта иллат, тест савол-жавобларининг эълон қилинаётганлигида!** Фарзандларимиз билим олсин, олган билимлари эса фақат тест саволларини ечишда эмас, аввало, ҳаётда асқотсин, мактабдан кейин оширадиган илмига мустаҳкам пойдевор бўлсин десак, болаларимиз тест саволларини ёдлаб эмас, мактаб дарсликларини ўқиб, системали билим олишларига эришишимиз керак. Бунинг учун эса, бизнингча, ишни "Ахборотнома" чоп этишдай нотўғри тажрибага барҳам беришдан бошлаш даркор.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

ФАЛОКАТ ВА ЖИНОЯТ БАМИСОЛИ "ҚАРИНДОШ"

АҚШ мафиясининг ҳеч қандай солиққа тортилмайдиган йиллик даромади 50—100 миллиард долларга етади...

Туркияда Курд ишчи партиясининг раҳбари Абдулла Ўжалан суди бошланиб улгурмасидан оммавий ахборот воситалари унинг устидан "ўз" ҳукмини чиқариб бўлди...

Эрондаги Хуросон вилоятининг шарқий туманларида 10 куннинг ичида 456 киши 2400 килога яқин наркотик модда билан қўлга олинди...

Сибир тайгаларидаги 280 гектар ўрмон ёниб кулга айланди...

Минскнинг қоқ ўртасидаги метро бекатига кираверишдаги ур-йиқит чоғида 60 га яқин ёш йигит-қиз ҳалок бўлди...

Надомат

Инсон ва жамият ҳеч бир замонда жиноятдан холи қолганмикан? Ҳеч бир жиноятсиз қишлоқ ё шаҳар, вилоят ё мамлакатни тасаввур қилиш мумкинмикан?

Жиноятга барҳам беришнинг энг уддабурон, энг шафқатсиз ва энг адолатли воситалари кашф қилинмасин... жиноят "илми" ҳам қараб турмас экан: у ҳам такомиллашади, ривожланади.

АҚШни супер демократик давлат сифатида, ҳуқуқий маданият юксак тараққий этган мамлакат сифатида намуна қилиб келтиришади, аммо-лекин бу афсонавий диёр жиноятчилари қонуннинг кўзини шамғалат қилиш борасида ҳам лидерликни қўлдан бермайдилар.

Туркиянинг жануби-шарқида яшайдиган курд аҳолиси билан боғлиқ ҳудудий муаммо теварагида яна қанчадан-қанча жиноят уруғи "урчиши"ни келажак кўрсатади. Ушбу сиёсий ғалвага дахлдор Абдулла Ўжалан устидан бошланган суд жараёнида 12 нафар қораловчи, шунча адвокат ва 20 дан ортиқ матбуот вакиллари иштирок этмоқда. Шу рақамнинг ўзидан ҳам кўринадики, қора курсида ўтирган судланувчи кимнингдир назарида жиноятчи, кимнингдир назарида эса беайб.

Эрон Ислом Республикаси бир қарашда ўз номи билан жиноятдан холи мамлакатдек таассурот қолдиради. Аслида ҳам муқаддас ислом динига бўлган мустаҳкам эътиқод, табиий, энг аввало бандани ғайришаръий амаллардан сақланишига хизмат қилмоғи керак. Қолаверса, ЭИР нафақат мамлакат ҳудудида, балки халқаро микёслардаги ҳар қандай жиноятчилик шафқатсиз жазоланиши тарафдорларидан ҳисобланади. Шунга қарамай, у ерда ҳам жиноятчилик илдизлари таг-туги билан суғуриб ташланмаган. Яқинда юз берган суиқасд ҳаракатлари ёки бўлмаса юқорида қайд этилганидек наркотик моддалар олиб ўтишга бўлган уринишлар қисман эса-да, шундан далолат беради.

Россиянинг чек-чегараси йўқ ўрмонларига ўт кетишининг бош сабабларидан бири... ўрмон саёҳатига чиққан дам олувчиларнинг бепарволик ва лоқайдлик оқибатида батамом ўчиришни "унутиб" қолдирган гулханлари экан!..

Жиноятларнинг тури кўп, унинг адоғи ҳам йўқ. Беихтиёр хаёл олиб қочади: наҳотки, банданинг вужудидаги шайтон то қиёматга қадар уни мудом йўлдан оздираверса, инсон унинг измидан халос бўлиш чорасини тополмаса ва бунинг оқибатида жиноят унинг... "ҳамроҳи"га айланганича қолаверса...

Ҳой, бандаи ғофил, то рўзи маҳшарга қадар давом этгувчи раҳмоний ва шайтоний олишувларда сен ким томонидасан, ўзи? Шайтоний томонда бўлсанг кулфат устига кулфат, фалокат устига фалокат, разолат устига разолат. Раҳмоний қудрат томонида бўлсанг инсоний саодат, роҳат-фароғат сенга йўлдош, ахир!..

Фалокатзадаларга маломат ёғдириш яхши эмас. Белорус пойтахтидаги кулфатни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Бироқ, Машеров шоҳкўчасида юз берган ҳодисани... фалокат, мусибат, фожиа деб аташмоқдаю, лекин унинг асл моҳиятига назар ташлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаяпти. Дастлабки маълумотларга кўра, ўша ернинг ўзида тўсатдан бошланган дўл, жаладан қочиб, паноҳ истаб метро йўлагига ўзини урган 2,5 минг ёшлангдан 54 нафари оломон оёғи остида қолиб, урилиб-сурилиб, мажақланиб ўлим топган. Қандай тадбир бўлаётган эди, деган савол туғилади.

ПИВО БАЙРАМИ экан!

ПИВОХЎРЛИК шодиёнаси!

Ичкиликка муносабат, ичмаслик маданияти ҳақида нах уриш белоруслик биродарларга мутлақо сингмаслигини тушунамиз, бу хусусда насиҳатбозлик қилиш ҳайф. Аммо-лекин ўша 54 кишидан 42 таси 15 — 20 ёш орасидаги норасида йигит-қизлар эканлиги беихтиёр ўйга толдирмайдими?! Бу қандай байрам бўлди, ўзи? Ҳойнаҳой, умумхалқ ичкиликбозлик сайлидир? Ёш авлодни ичкиликка ўргатиш, одатлантириш тадбиридир?..

Навниҳол йигит-қизларнинг жисмоний ҳалокати эмас, ўша тарздаги байрам ўтказилишининг ўзиёқ фалокат, маънавий офат эмасми?!

Мусибатдан кўнглимиз вайрон бўлади, жиноятни жазолаб тасалли топамизу, фалокат ё жиноятга олиб келиши муқаррар бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўяётганимизга ҳисоб бермаймиз. Олди олинмай қолаётган жиноят юз бериши мумкиндир, инсон қудрати ожизлигидан келиб чиқадиган фалокатларга бас келишимиз қийиндир, бироқ ҳушёрлик, ақл-идрок ва эътибор шарофати билан олди олиниши мумкин бўлган жиноят ва фалокатлар ҳам йўқ эмас. Лоақал шулардан асранса эди, одамзод!.. Инсоният лоақал ана шу тоифадаги кулфату жиноятлардан халос бўлса эди! Шунинг ўзиёқ улкан тараққиёт, мисли кўрилмаган ғолиблик бўлмасмиди? Дунё лоақал бир қадар мусаффолашган, бир қадар эркин нафас олган бўлмасмиди?.. Хўш, инсоният бундайин саодатга ким ва нима орқали эришади?

Ўзи, ўзининг соғлом ақл-идроки, маърифат ва адолатга йўғрилган тафаккури, инсоф ва диёнати орқали эришади!..

Х.НАБИ

МАҒРИБУ МАШРИҚ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ АНЖУМАН

Тадбир

Шу ҳафта давомида Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" мавзуида йирик анжуман ўтказилди. Уни Қоҳира ва Ал-Азҳар университетлари Мисрнинг Ўзбекистондаги ҳамда Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихоналари билан ҳамкорликда уюштирдилар. Икки қардош юрт ва биродар халқлар орасидаги азалий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида ўтказилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев, академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори О.Ҳасанов, Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг проректори, Имом ал-Бухорий жамғармасининг раиси З.Мунавваров ва бошқа ўзбек зиёлиларидан иборат нуфузли делегация иштирок этди.

Миср телевидениесининг "Ассалом, Миср" дастури ижодкорлари Ўзбекистондаги Имом ал-Бухорий жамғармасининг раиси Зоҳидилло Мунавваров билан учрашув ўтказиб, кўрсатувни маҳаллий ҳамда хорижий телетомошабинлар эътиборига ҳавола этди. Учрашувда Ўзбекистон — Миср ўртасидаги алоқаларнинг ўтмиши ва ҳозири ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил охирларида Мисрга қилган тарихий ташрифидан сўнг икки томонлама алоқалар янада кенг қулоч ёйиб, янгидан-янги соҳаларни қамраётгани, республика XXI асрга қандай ниятлар билан қадам қўяётгани ҳақида сўз борди. Телеучрашувда иштирок этган Қоҳира университети қошидаги Осиё илмий тадқиқот Маркази бошлиғи, фан доктори Муҳаммад Ас-Саййид Саъид ўзбек халқининг бой маданий-маърифий мероси, бу табаррук заминда таваллуд топиб, дунёда илм-фан ва дин-диёнат тараққиётига катта улуш қўшган олиму фозил зотлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. У сўзининг охирида ушбу анжуман ўз самарасини беришига умид билдириб, ўзбек халқининг турли соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотларига муваффақиятлар тилади.

Миср элчихонаси матбуот шўъбаси



Кўкка бўй чўзган тоғлар — қорлар манзили

МУЗҚАЙМОҚ МАВСУМИ

Маз-з-а-а!

Ёз фаслининг кириб келиши музқаймоқ бозорини қизитиб юборади. Ва бунинг асло ажабланарли жойи йўқ. Иссиқ иқлимли мамлакатимизда музқаймоқ ишлаб чиқариш истиқболли ва фойдали соҳа ҳисобланади.

Узоқ мозийга мурожаат этсак, айнан бизнинг диёримиз музқаймоқнинг ватани эканидан хабар топамиз. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ихтиёр ўзингизда. Бироқ тарих "отаси" Геродотнинг айтишича, беш минг йиллар бурун аждодларимиз бу тансиқ ейимликни яратишган. Манбаларнинг шаҳодат беришича, эрамиздан уч аср аввал яшаб ўтган Искандар Зулқарнайн ҳам музқаймоқни Амударёни кечиб ўтиб билган экан. Қизиғи шундаки, музқаймоқ хос, шоҳона ейимликлардан бўлиб, уни асосан аслзода оилаларда истеъмол қилишган. Чекинишимизни шу ерда тўхтатиб, бугунги кунларга қайтсак.

Мутахассисларнинг дараклашича, Ўзбекистонда музқаймоқ саноати учун зарур хомашёлар етарли. Саховатли заминимизда ғоятда сархил мевалар етиштирилиши сир эмас... Фақат... Фақат бу юмушга енгни шимариб киришадиган азамат тадбиркорлар керак. Лозим бўлса, музқаймоқ миқдорини бозор эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб, оздан ошириб бориш ҳам мумкин. Ҳукуматимизнинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бераётгани музқаймоқ тайёрлашга ишқибозлар учун айни муддаодир. Тадбиркор юртдошларимизни бу соҳа қанчалик ўзига жалб этиш ёки этмаслиги, бу - бошқа масала. Биз эса музқаймоқ бозорининг паст-баландликларида кезишда давом этамиз.

Музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш республика "Гўштсутсаноати" давлат акциядорлик уюшмасининг тасарруфига киради. "Гўштсутсаноати" давлат акциядорлик уюшмаси сут саноати бошқармасининг бошлиғи Ёлқин Рашитхўжаевнинг айтишича, уюшмага қарашли музқаймоқ корхоналарида йилига тахминан 2000 тонна музқаймоқ тайёрланади. Бундан 900 тоннаси уюшмага кирувчи 4 та қўшма корхона ҳиссасига тўғри келади. Табиийки, мазкур қўшма корхоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланган, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати, унинг қадоқланиши, дизайни ҳам чакки эмас. Хорижлик ҳамкорлар билан алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Айтмоқчи, "Музқаймоқ" савдо корхонасига қарашли 15 та цехда ҳам 1000 тонна музқаймоқ ишлаб чиқарилади. "Озиқовқатсаноати" уюшмасининг "Нарзия" концерни тасарруфидаги "Сингапур-Самарқанд" қўшма корхонасида, хусусий цехларда тайёрланаётган ва Россия, Германия, Франция, Швейцария каби давлатлардан келтирилаётган музқаймоқлар истеъмол бозоримизни тўлдираётир.

Республика "Гўштсутсаноати" уюшмаси вакилининг ибораси билан айтганда, музқаймоқ бозорида рақобат кучаймоқда. Бу айни муддао...

Энди эса истеъмол бозоридаги музқаймоқларнинг турлари ва нархини ҳам билиб қўйсак. Демак, нонли стаканчаларга солинган, қоғоз ва полипропиленга қадоқланган пломбир, эскимо каби музқаймоқларнинг нархи 55 сўмдан 80 сўмга қадар (таркибидаги шоколад, кофе, қаймоқ ёки меваларга қараб). Албатта, бу нарх ёмон эмас. Ассортименти хусусида гапирадиган бўлсак, ҳозирда мамлакатимизда ўнлаб турдаги музқаймоқлар мавжуд.

Россиядан келтирилаётган музқаймоқларнинг турлари ҳам бир талай. "Пломбир", "Московский", "Сливочное", "Эскимо", "Белочка" ва ҳоказо. Мазкур маҳсулотларнинг нархлари истеъмолчига малол келмайди. 70 сўмдан 150 сўмга қадар.

Аммо, чакана савдодаги Франция, Голландия, Швейцариянинг музқаймоқлари нархда анча пешқадам. Масалан, DOVE музқаймоғининг нархи 700 сўм. Topic, Fanfara 350-500 сўмдан. Mars, Bauntu, Shikers каби музқаймоқларнинг нархи қимматгина. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда музқаймоқ бизнесининг нафи ёмон эмас. Корхонанинг ҳажмидан қатъий назар, музқаймоқ тайёрлаш технологияси амалда бир хил. Гап ускунани тўғри танлашда. Ҳали халқимизнинг талабига яраша маҳсулот чиқарилмоқда, дейишга эрта.

Бироқ табиий хомашёлар етарли бўлган диёримизда ҳам арзон ва ширин музқаймоқ тайёрлашнинг имкониятлари ғоят улкан. Фақат бу имкониятлардан самарали фойдалана оламизми-йўқми? Гап шунда.

Абдумажид АЗИМОВ
"Туркистон-пресс"

ЁШУ КЕКСАЛАР ЖАМИЯТИ

1999 - Халқаро қариялар йили

Танлов

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси "Халқ сўзи" ва "Правда Востока" газеталари редакциялари билан биргаликда БМТ ташаббуси билан бу йил нишонланаётган Халқаро қариялар йилига бағишланган энг яхши асарлар учун танлов эълон қиладилар.

Танловдан мақсад - Ўзбекистон жамоатчилигини республикада яшаётган қарияларнинг аҳволидан кенгроқ хабардор қилиш, сиёсатчилар, тижоратчилар, олимлар, журналистлар, ноҳукумат ташкилот вакилларининг эътиборини қарияларнинг аҳволини яхшилаш муаммоларига жалб этиш ва шу йўл билан қарилик муаммолари бўйича халқаро режада кўзда тутилган кенг кўламдаги мақсадларга эришишга ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга БМТнинг ёши ўтган одамларга муносабатининг принциплари (ёндашувлари)га доир қуйидаги мавзулар ёритилган мақолалар, бадиҳалар, лавҳалар ва бошқа жанрлардаги асарлар қабул қилинади:

Қариялар ҳамма қатори, сифати талабга жавоб берувчи озиқ-овқат, сув, турар-жой, кийим-кечак харид қилиш ва тиббий хизматлардан фойдаланишлари учун муайян даромадлар келадиган ишлар билан таъминланиши, уларга оила, жамоа (маҳалла) ғамхўрлик кўрсатиши зарур.

Ёши ўтган одамлар ҳам иложи борича аввалгидек жамоа ҳаётида фаол қатнашсинлар, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш зарур.

Қарияларга ўзлари яшаётган жамиятнинг маънавий-маданий қадриятларига мувофиқ равишда оила, жамоа (маҳалла) томонидан ғамхўрлик кўрсатилиши зарур, чунки қариялар парвариш ва ҳимояга муҳтождирлар.

Ёши ўтган одамлар (қариялар) ўз қобилиятларини, салоҳиятларини иложи борича ҳар томонлама рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлсинлар.

Қариялар (барча инсонлар қатори) мазмунли ва муносиб, яхши ҳаёт кечиришга эгадирлар.

Танловда қатнашишни истовчилар шу эълон чиққан кундан бошлаб 1999 йилнинг 1 сентябрига қадар Ўзбекистон матбуот нашрларида босилган ўз асарларини (2 нусхада) қуйидаги адресга юборишлари мумкин. Охирги қабул куни 1999 йилнинг 5 сентябри. Танлов ғолиблари шу йилнинг 1 октябр Халқаро қариялар кунида эълон қилинади.

Янада тўлароқ маълумот олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент - 700029, Шевченко кўчаси, 4, БМТнинг Ўзбекистонадги ваколатхонаси, Ахборот маркази. Тел: 1391462, 1394835

Жаҳл одатда телбаликдан бошланиб, хижолат билан якунланади



Камтарликни ҳасса қилиб, унга суяниб ол, йўқса қоқилиб тушасан.

* * *

Бутун дунёни кезиб чиқ. Ҳеч қаерда мискин киши учун очиқ эшикни кўрмайсан.

* * *

Кўпчилик "тағин гуллар орасида тикан бўлмасин", деган хавотирда бўлади, мен эса тиканлар орасида гул ҳам учраб туришига шукр қиламан.

* * *

Ҳар бир эшак девор устидан сакраб ўтишдан олдин ўзини жайрон ҳис қилади.

* * *

Уйланишдан олдин менда бола тарбияси хусусида олтита ғоя бор эди. Ҳозир олтита болам бор, ғоялардан битта ҳам қолмаган.

* * *

Агар бузуқлик бошидан қайтарилмаса, у секин-аста эҳтиёжга айланиб боради.

* * *

Одамнинг кийиниши унинг хулқ-атвори қандайлигини кўрсатиб туради.

* * *

Бутун дунё сендан юз ўгирганда ҳам ёнингга келувчи дўстингни чин дўст деб бил.

* * *

Дўстлик ипларини мустаҳкамламоқчи бўлсанг, дўстларинг билан учрашиб тур, агар янада мустаҳкамлай десанг, улар билан аҳён-аҳёнда учрашгин.

* * *

Аксарият ҳолларда шоирлар камбағал бўлишади, бунинг боиси шундаки, кўпинча камбағаллар шоирликка қўл урадилар.

* * *

Жаҳл муваққат телбалик бўлса, такаббурлик доимий тентакликдир.

* * *

Ҳар бир одам бамисоли қалин китоб, фақат уни ўқий билиш керак.

Тўпловчи: Шароф МИРЗАЕВ

Ажабланадиган нарса тополмадик



АЛЛОҲ қудрати намоён қояда ИНСОН ижоди

Ҳикоя

"ИЛОНҚАЛЪА" ХАЗИНАСИ

Нажиб Фозил ҚИСАКУРЕК

Бу қишлоқ йўлидан ўтадиган аравакашлар патнисдай теп-текис воҳада кўккисдан, девордек пайдо бўлувчи тик қоянинг олдига келгач, тизгинидан тортиб, отларини бир муддатга тўхтатишади ва қамчиларининг учи билан ҳурпайган чўққини кўрсатадилар:

— "Илонқалъа"!

Ва йўловчилар чўққидаги уч бурчли катта қалъага ҳайратланиб қарашаётганини кўргач, "чў-ў" деганча аравани юргизаркан, қўшиб қўядилар:

— Бу қалъада катта илон бор эмиш. У бир пайтлар шу ерда яшаган бекнинг руҳи, дейишади... Қалъада яширилган хазинасини қўриқлар эмиш. Ҳеч кимни ичкарига қўймасмиш...

* * *

Қишлоқ йигитлари келишиб олганларидек, ўша оқшом ўзларидан бирининг уйида тўпланишди.

...Ярим соатдирки, ҳеч қайсисининг оғзидан бирор сас чиқмайди. Уч киши эдилар. Бири ерга солинган кўрпачага узала тушиб ёнбошлаган, иккинчиси чордона қуриб ўтириб олган, учинчиси эса, суянчиқсиз тахта ўриндиққа ғаниматгина чўккан. Учови ҳам гўё бир кишини ёхуд бир нимани кутишарди. Учовининг ҳам ерга боққан кўзларида муштарак ифода бор: қўрқув...

Ҳа, бу қўрқув бир бурчакда енгилгина липиллаётган чироқнинг шишасидан чиқаётган тутундек сирли кўтарилиб, хонанинг ҳавосига қоришиб кетар, у ердан тунд чеҳраларга тўкиларди. Тўкиларди ва чироқ ёғдусида милтиллаган кўзларни бир бош бармоқ ичкарига киргизиб, чуқурга айлантирар, бежирим бурунларни пастга томон торта-торта чўзар ва қуруқшаган лабларни пичоқ кесганидан қолган ярадек кескинлаштирарди. Қўрқишарди, бироқ сездирмасликка, уни ютиб юборишга уринишарди.

Кўрпачага чўзилгани энг парвосиздек кўринишга ҳаракат қиларди. Ўзиникига ўхшамаган, нотаниш овоз билан сукунат салтанати ҳукмронлигини бузди:

— Яна қанча бор?

Ҳаммалари бирдан хонтахта устидаги соатга кўз ташладилар. Кейин ғингшиганнамо овоз эшитилади:

— Вақт бўляпти, яқин қолди.

Вақт... ярим кечадан ўтмоқда. Турқи совуқ қоронғилик қишлоқни улкан чодир каби ўраган; "тиқ" этган товуш эшитилмайди, бирорта итнинг акиллаши ҳам қулоққа чалинмайди. Қишлоқнинг бу қадар сукунат ичра йўқликка қоришиб кетганлиги фавқулодда бир ҳодиса эди. Гўё жимжитлик ердан очилган ёриқ каби юзага келгану қишлоқни ютганди.

Шу онда уч йигитнинг асабига бир-бирларига тушунтира олмайдиган бир ваҳмнинг ўткир тиши бота бошлаган, назарларида, қишлоқ йўқ ва улар яшамаётган эдилар.

Кўрпачадагиси кўккисдан сакраб турди. Бошини ёнга силтаб бурди. Қулоғи билан алланимани қидирарди. Қолганлар ҳам кескин ҳаракатлар билан қимирлашди. Кўзлар, оғизлар... йўқолмоқда, фақат қулоқлар — анжир барглари каби шишган қулоқлар ёлғиз ўзлари учун очилган оламга томон йўналмоқда.

Узоқдан, чамаланиши мумкин бўлмаган узоқдан бир овоз келди:

— Хей!..

Бу овоз... бир сўз эмасди ва ёхуд маъно ҳам англатмасди. Қир бўйидаги кўчманчи чўпоннинг бир ўткинчи йўловчига ҳайқириғи каби бир қичқириқ.

— Хей!..

Овоз текис ва узун йўлда орқасидан қуваётган ажалдан қочаётгандек, кучининг борича югураётган кишининг фарёди каби борган сайин заифлашар, қобиғига ўралиб олмоқда эди.

— Хей!..

Ва овоз шамолнинг бир ҳис каби совурган чўғ парчаси — ёниб ўчган учқуннинг шуъласидек узоқлашди. Шунчалар узоқлашдики, чексиз масофанинг чекида бир нуқта ҳолига келди ва куллари хонага ёға бошлади.

Хонадагиларнинг кўзлари "косаси остидан чиққан тошбақа бошидек, чуқурларидан қалқиб" бир-бирларини изладилар.

— Эшитдингми? Қалъадан овоз келди.

— Неча кечадан бери шундай.

— Мен гап-сўзларга энди ишондим. Қалъада хазина бор.

— Овоз бераётган бекнинг руҳи. Қишлоқдагиларга хабар беряпти.

— Уч марта овоз берди.

— Биз ҳам уч кишимиз.

Жим қолдилар.

— Бизни чақиряпти.

Гўё хонага тўртинчи киши кирди-ю, учаласининг ҳам миясида чарх ураётган ва бир-бирларига айтолмаётган шу гапни ўртага ташлади.

— Бизни чақиряпти.

Хоҳламайгина, аммо зўр қизиқиш ва интиқлик билан оёққа туришди.

— Бориб излаймизми?

— Бизга бирор нарса қилса-чи?

— Қилмайди. Қилганда чақирмасди.

...Ним қоронғида оқлиги билиниб турган девор сиртидан бўйлари паканадан новчага ўсиб борган қопқора уч соя сирғалиб ўтди ва илоннинг оғзи каби очилган эшикдан ғойиб бўлишди.

Уч йигит неча йиллардан бери қишлоқ одамларининг оғзидан тушмайдиган "Илонқалъа"даги хазинани излашга йўл олишди...

* * *

Бу қишлоқ йўлидан ўтадиган аравакашлар кафтдай теп-текис воҳада кўккисдан, девордек пайдо бўлувчи тик қоянинг олдига келгач, тизгинидан тортиб, отларини бир муддатга тўхтатишади ва қамчиларининг учи билан ҳурпайган чўққини кўрсатадилар:

— "Илонқалъа"!

Ва йўловчилар чўққидаги уч бурчли катта қалъага ҳайратланиб қарашаётганини кўргач, "чў-ў" деганча аравани юргизаркан, қўшиб қўядилар:

— Бир замонлар бу қалъада бир бек яшаркан. Ўлганидан кейин анча йиллар қалъада бекнинг хазинаси бор, деган гаплар юрган. Бир куни кечаси қишлоқнинг уч йигити қалъадан келган бир овозни эшитишган ва хазинани излаб кетишган. Эртаси куни одамлар бу уч йигитни илон чаққан ва шишиб ўлган ҳолда топишган. Қишлоқда янги гап тарқалган: "Бекнинг руҳи илонга айланиб, қалъадаги хазинасини қўриқлар эмиш". Шундан бери қалъага қадам босган киши бўлган эмас...

Арава тақирлаганча узоқлашади. Орқага қараб қолган йўловчилар қалъанинг кичрайиб бораётган тешигидан думалоқ бошли, тез-тез нафас олаётгандек катта очиқ оғзи ва мўлтираган яшил кўзларини лўқ қилганча бир илоннинг ўзларига қараб турганини кўргандек бўладилар.

ШЕРЗОД таржимаси

Ўқувчини англаб ет!
ҲУРРИЯТ
Мустақил газета
9 - 15 июнь
23 (125)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Турсунали АКБАРОВ

Босиш вақти — 21.00
Топширилди — 19.30
Буюртма — Г 0484

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Хотира

УЧСА ОНА ЮЛДУЗИ

"Беш чақирим йўл босиб театрга борардик"

"Агар, кўз ўнгимизда чексиз самодан бир юлдуз учгудек бўлса, бирдан этимиз жимирлаб кетади: "Оҳ," кимнингдир вақт-соати етди", дея Аллоҳдан раҳматини сўраб қўямиз. Ўша юлдуз кимнингдир фарзанди, кимнингдир оға-иниси, кимнингдир ота-онасининг юлдузи. Аммо онамиз оламдан кўз юмса...

Меҳрибон оналар бу дунёдан кетар бўлсалар, эгилмаган бошлар ҳам эгилади, алп қоматлар дол бўлади. Кўнгил ярим бўлиб қолади. Онасини бериб қўйган фарзандлар бир-биридан яшириниб йиғлаб оладилар..."

Эркин аканинг шу гапларини эшитиб ўтирибман-у, кўзимдан ёш қуйилиб келади, яшираман. Эркин аканинг тўйиб-тўйиб "онамлаб" йиғлагиси келаётганини сезиб турибман: гапиряпти-ю, томоғига нимадир тиқилгандай тўхтаб-тўхтаб қолаяпти. Юзига оқиб тушаётган кўз ёшларини артаркан: "Онамни бериб қўйдик! Эссиз, онама!" дейди. Ростини айтсам, бу санъаткорнинг ижро этган ролларидан таъсирланиб, йиғлагим келган пайтлар кўп бўлган, бироқ ҳар сафар ўзимни тутиб тура олардим. Аммо бу гал Эркин аканинг ўтирган жойида ўксиб-ўксиб йиғлашларига чидаб туролмадим...

Эркин акага юртбошимиз томонидан "Ўзбекистон халқ артисти" унвони топширилган куни у киши билан театрда учрашиб қолдик. Хурсанд эдилар, кўксида орден товланиб турарди. Биз — мухлислари ҳам табрикладик. Хайринисо аянинг соғликларини сўрадик.

"Шукр, саломатлар. Андижондан олиб келганман. Рўзаи-рамазон ойини бизникида ўтказадилар, иншооллоҳ", дедилар. У кишига биздан салом йўллашларини сўраб хайрлашдик. Лекин, афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтиб-ўтмай онахон рўза кунларининг бирида вафот этдилар...

Хайринисо аянинг умрига назар ташларкансиз, бир аёл учун сабр-матонат, бир она учун бахт бўлса, шунчалик бўлар, дея кўнглингиздан ўтказасиз. Эркин аканинг ҳаёти ва ижодига бағишланган Н.Мусомовнинг "Биз йиғлаган оқшомлар" китобида қуйидаги жумлалар бор:

"... Эҳтимол ўғли бугунгидек машҳур бўлмаганда онасининг бу дунёга келиб йигирма етти бор фарзанд кўрганини, бахтга қарши улардан нақ йигирма иккитаси гўдаклигидаёқ қора ер бағрига қўйилганини ҳам ҳеч ким билмасди".

Эҳтимол шундайдир. Аммо, менимча, эл-юрт Эркин ака орқали Хайринисо аяни эмас, аксинча, Хайринисо ая орқали Эркин акани таниди ва тан олди, десак ҳам муболаға бўлмас. Эркин Комиловнинг барча ютуқларида, шак-шубҳасиз, Яратганнинг иноятн ва Хайринисо аянинг дуолари қуввати бор, албатта. Шунча фарзандини ерга берган онанинг жасоратига, матонатига қойил қолмай илож йўқ. Афсуски, бугун бир-иккита фарзанддан бошқаси ортиқча деб, ҳали туғилмаган гўдакнинг умрига зомин бўлаётган баъзи оналарни эшитиб ёқа ушлайсан, киши.

Ахир, фарзанднинг дунёга келиши Оллоҳнинг бизга берган энг катта инояти-ку? Хайринисо ая ана шу бахтга эришгунча қалби пора бўлди, йиғлаб-йиғлаб кўзда ёши ҳам қолмади. Унинг ажойиб овози бор эди, дутор чалиб қўшиқ айтарди, кимлардир буни бехосият дея фарзандлар турмаётгани сабабига йўйишди. Дуторни ҳам ташлади. Ирим қилиб олти кунлик чақалоқни ҳам боқиб олди. Ниҳоят, вақт-соати келиб, Тангри Хайринисо аяга бир ўғил - Эркин акани берди.

"Бутун умри давомида онамнинг отамга бир маротабагина ҳам тик боққанларини эслолмайман", дейди Эркин ака. "Онам барчага юмшоқ муомалада бўлардилар. Баъзан жаҳлари чиқса ҳам сизлаб гапириб муаммони ҳал этардилар. Ёшлигимдан менинг кўнглимга қараб, эркалатиб ўстирганлар. Ўйлаб кўринг, қайси она боласининг кўнглига қараб беш чақирим пиёда юриб, уни театрга олиб боради. Менинг санъаткор бўлишимга ҳам, айнан онам сабабчи бўлганлар. Спектакларимга доимо олиб борардим. Менинг ҳар бир ижроимни кўриб баҳо берардилар. Табриклаб, дуо қилардилар. Унвонни олган куним ҳам ич-ичидан қувониб, йиғлагандилар. Онамнинг бори - хазина экан. Ичи тўла мақол, маталу алёру, лапару қўшиқлар эди раҳматлининг. Ҳар гал таътилга чиқиб Хўжаободга, онамнинг олдига борганимизда ўзларини қўярга жой тополмай қолардилар. Баъзан оқшомлари ёшликларини эслаб лапар, алёрлар хиргойи қилиб берардилар. Меҳмонни эса жонидан ортиқ кўрардилар.

Санъаткор ҳамкасбларимиз билан съёмкага ўзимиз томонга бориб қолсак, уйга ўтардик. Ўша пайтлар онамнинг хурсандлигини кўрсангиз эди, уларни ўтқазгани жой тополмай қолардилар. Тошкентга олиб келсак, икки-уч кундан сўнг Андижондаги укаларим, сингилларимни соғиниб қолардилар. Уйда эса доим бизни соғиниб юрарканлар. Ҳар рамазон ойини бизникида ўтказиб кетардилар. Ёнларида доим қоқи, қурут, ёнғоқ, майиз солиб юрардилар-да, набираларини ҳар кўрганда бир сиқимбир сиқимдан тарқатардилар. Энди қоп-қоп майиз-ёнғоқлар ҳам ўтаверсин экан."

"Хайринисо ая Эркин аканинг дўстларини ҳам ўз болаларидай кўрардилар. Эркин аканинг энг яқин дўстларидан, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев Хайринисо аяни шундай хотирлайди:

Хайринисо ая бошқача аёл эди, раҳматли. Онахонинг зиёли эканлиги гапсўзларидан, нигоҳидан сезилиб турарди. Ёшлардай серғайрат, тўғри сўз эди. Анча йиллар аввал Хўжаободга - Эркин акаларникига борганимизда Ўш бозорига чиқандик. Шунда мен мевали дарахт кўчатларидан ола бошладим. Эркин ака ҳайрон бўлиб: "Нима, Тошкентга олиб кетасанми", - деди. Мен: "Йўқ, шу жойда мен яхши кўрадиган бир онахон бор, шу онамнинг уйини боғ қилмоқчиман", - дедим. Кейин биргалашиб кўчатларни олиб бориб, Эркин аканинг ҳовлисига экдик. Орада тўрт-беш йил боролмадим. Кейинроқ Хайринисо ая Тошкентга келганини эшитиб йўқлаб бордим. Суҳбатлашиб ўтириб: - Ёдгоржон ўғлим, боғинигиздан хабар ҳам олай демайсиз. Эккан ниҳолларингиз мевага кириб қолди, дедилар. Мен доим боғанимда ўз қўлим билан ўчоқда ўтин ёқиб ош қилиб берардим. Шуни ҳам соғинган бўлсалар керак: - Қозон-ўчоғингиз ҳам сизни кутиб ётибди, деб қўшиб қўйдилар. Мен шу гапларидан онахоннинг қанчалик бизни соғинганларини ҳис қилдим. Хайринисо ая шундай меҳри дарё аёл эдилар".

Ёдгор аканинг хотираларини, Эркин аканинг ёшли кўзлари билан айтаётган, соғинч тўла ҳасратларини узоқ тингларканман, онахоннинг: "Омин, Аллоҳ амрига лойиқ қилсин. Йўлидан адаштирмасин", дея қилган дуолари ёдимга келади. Илоҳим, ҳаммамизга ҳам шу дуолар ҳамроҳ бўлсин.

Хуршидбек РЎЗИЕВ

Янгилик

ВАТАН САРҲАДЛАРИ ЯНГИ АТЛАСДА

Мустақилликдан кейинги биринчи географик атлас яратилди

Картографик асарлар (план, харита, атлас, глобус ва бошқалар) географиянинг "иккинчи тили" ҳисобланади. Улар нафақат кўргазмали қурол, балки ҳудуд (жой) тўғрисидаги географик билимларнинг бой манбаи ҳамдир. Зеро, картографик асарлар билан ишлаш ўқувчиларга ижодий тасаввур қилишни, ёдда сақлашни, мантиқий фикрлашни, таҳлил қилишни, таққослашни, ўзаро боғлиқликни ўрганишни, хулоса қилиш йўлларини ўргатади. Картографик асарлардан мактабда ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини оширишда, географияни кундалик ҳаёт билан боғлашда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда асосий қурол сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда ўқувчилардан республикамиз табиий ва социал-иқтисодий географиясига оид материалларни чуқур ва пишиқ-пухта билиш талаб этилади.

Шуларни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Буюртмасига биноан Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг география факультети жамоаси умумий ўрта таълим муассасалари учун Ўзбекистоннинг ўқув-маълумотнома атласини нашрга тайёрлади. Атлас ДИК нашриётида ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Атласнинг формати 22 х 29 см. бўлиб, умумий ҳажми 56 бет. Унга 50 дан ортиқ харита, турли хил диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари, табиий, маъмурий ва хўжалик объектларининг фототасвирлари киритилган. Ассосий хариталар 1:4 000 000, 1:6 000 000 ва 1:8 000 000 масштабларда тузилган атласнинг тузилиши ва хариталарнинг махсус мазмуни умумий ўрта таълим муассасалари учун географиядан тузилган давлат таълим стандарти ва унга мувофиқ Ўзбекистоннинг табиий ва социал-иқтисодий географиясидан тузилган намунавий ўқув дастурларига мос ҳолда ишлаб чиқилди. Алоҳида хариталарни лойиҳалаштириш ва тузишда тегишли фан соҳаси олимлари, малакали мутахассислар, шунингдек умумий ўрта таълим муассасаларининг тажрибали услубиятчилари иштирок этди.

Чунончи, табиий хариталарда (табиий, геологик, геоморфологик, иқлим, гидрологик, тупроқ, зоогеографик, ўсимлик, ландшафтлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар) воқеа ва ҳодисалар картографик жиҳатдан аниқ тасвирланган. Зеро, табиий компонентларга ягона ўзаро алоқадор табиий ҳудудий комплекс сифатида қаралиб картографик тасвир берилган. Унда саккизта табиий ва саккизта иқтисодий-географик районлар харитаси биринчи марта берилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий хариталарда аҳоли зичлиги ва меҳнат ресурслари, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маориф ва маданият ҳамда транспортнинг барча етакчи соҳа ва тармоқларига картографик тавсиф берилган. Атласда биринчи марта меҳнат ресурслари, ёқилғи-энергетика ва нефт-кимё саноати, дончилик хариталари берилган. Шунингдек, атласда алоҳида туристик харита, халқ таълими, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият хариталари ҳамда Тошкент, Хива, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг туристик схемалари берилган. Туристик харитада Ўзбектуризм миллий компаниясининг маҳаллий бўлимлари, туристик базалар, машҳур кишиларнинг номлари билан боғлиқ жойлар ва ёдгорликлар, музейлар, архитектура ва археологик ёдгорликлар ва бошқа объектлар кўрсатилган. Хариталар мамлакат хўжалигининг нафақат ҳозирги ҳолатини, балки унинг ўсиши ва ривожланишини ҳам акс эттиради (Масалан, пахтачилик, чорвачилик, ирригация ва мелиорация хариталари ва бошқалар). Мавзули хариталарни тузишда тегишли вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва трестларнинг, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг материалларидан фойдаланилган.

Мазкур атлас мактаб ўқувчиларидан ташқари мустақил Ўзбекистон билан қизиқувчи талабалар, тадқиқотчилар ва сайёҳлар учун ҳам аҳамиятлидир. Ўз юрти табиий шароити ва табиий бойликлари, аҳолиси, халқ хўжалиги, маданияти, фани ва бошқа соҳаларидаги ҳолат билан қизиқувчи ҳар бир китобхон тегишли маълумотларни атласдан топа олади.

Ўзбекистон географик атласи мамлакат тарихи ва ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир барча маълумотларни қамраб олмаган, албатта. Унда атлас олдига қўйилган мақсадга мувофиқ Ўзбекистон табиий шароити, аҳолиси ва хўжалигининг энг муҳим томонларига картографик тавсиф берилган, холос. Қолган масалалар яқин келгусида яратилиши кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасининг миллий атласида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўқув-маълумотнома атласларини яратишда ўз аксини топади, деган умиддамиз.

Асомиддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент давлат университетининг доценти, янги атласнинг катта муҳаррири

ФУТБОЛ ЧОРРАҲАЛАРИ

Яша, Ширшов

Ўтган ҳафтада Осиё футбол Конфедерацияси 1998 йил якунларига асосланиб мавсум ғолибларини аниқлаб берди. Унга мувофиқ Осиёнинг энг кучли футболчиси деб ўзбекистонлик футбол мухлисларига яхши таниш бўлган японияли Хидетоши Наката сазовор бўлди. Иккинчи ўрин эса эронлик хужумчи Али Дайига насиб этди. Шунингдек 1998 йилнинг рамзий терма жамоаси ҳам эълон қилинди. Ушбу жамоадан Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Пахтакор" клубининг ярим ҳимоячиси Николай Ширшов ўрин олди.

Саралаш ўйинлари

2000 йил Австралияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида қатнашиш учун ҳамюртларимиз қатнашаётган гурухда икки учрашув бўлиб ўтди. Туркманистон футболчилари қозоғистонликлар устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Тожикистон ўз майдонида Қирғизистонга 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Юртдошларимиз 12 июнь куни Тошкентда Туркманистон Олимпия терма жамоасини қабул қилишади.

Бош мураббий йўқ

Якшанба куни футбол бўйича миллий чемпионатимизнинг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Ўтган мавсумларга қараганда бу йил ўйинлар кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда.

Тошкентда "Пахтакор" Навоийнинг "Зарафшон" жамоасини қабул қилди. Учрашув тафсилотларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, пахтакорчилар ўз майдонларида ўйнашларига қарамай биринчи бўлимни анча бўш ўтказишди. Меҳмонлар ҳужумчиси Шишеловнинг икки аниқ зарбаси эса тошкентлик мухлисларни ранжитди.

Иккинчи бўлимда "Пахтакор" бор кучини ҳужумга ташлади ва натижада 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу учрашувга ҳам тошкентликлар бош мураббийсиз тушишди.

Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди:

"Нефтчи" - "Андижон" - 4:3, "Навбаҳор"- "Сурхон" - 1:0, "Темирйўлчи" - "Трактор" - 2:1, "Зарафшон" - "Металлург" - 3:1, "Суғдиёна" - "Бухоро" - 1:1.

Анвар МЕЛИБОЕВ

Ишонасизми?

100 ДОЛЛАРЛИК ДИН...

ёки хуфёна эътиқод тарғиботи ҳақида

Юнусобод бозоридан бурним ерга теккудек бўлиб чиқаётган эдим. Икки қўлимда зил-замбил тўрхалта, пешонада тер ва ажин ва бу ҳам камдек, изимдан соядек эргашиб юрувчи қизалоғим Муножот. Тумонат оломнинг орасидан беталофат чиқиб олганимга шукур қилиб, машинага эндигина яқинлашган эдимки, нақ тумшуғимнинг тагида: "Окахон, сизни бир минутга мумкинми?" - деган таклиф янграб қолди. Тўрхалталарни ерга қўйиб, пешонани артиб қарасам, боши сапчадеккина озғин бир ўзбек йигити. "Марҳамат қилиб машинангизга кира қолайлик", - лутф қила қолди у. "Ҳам дам олганинг, ҳам суҳбат қилганинг", - деб ўзимга далда бердим-да, эшикни очдим. "Биз христиан дини таълимоти бўйича вакилларимиз" -ўзини таништирди йигит. - Мақсадимиз - бу диннинг моҳиятини одамларга тўлароқ тушунтириш, бу борадаги адабиётлар билан халқни таништиришдан иборат. Мана бу китоблардан бир-икки нусхадан бепул олишингиз мумкин". У шундай деб мўъжазгина дипломатини очди. Воажаб, дипломат афтидан кичиккина кўрингани билан ичи Остап Бендернинг молтопар пиджагидек кенг бўлиб, турли диний адабиётлар қалашиб ётарди. Улар орасида "Инжил"(Библияни таржима қилиш институти, Стокгольм, 1993), "Сторожевая башня. Свобода религии и вы", "Вечная наслаждения" (1997), "Библия для детей", "Библия в иллюстрациях", "Тайный знания", Германияда 1992 йили чоп этилган "Жизнь - как она возникла? Путем эволюции или путем сотворения" каби юзлаб китоблар, рисолачалар бор эди. Мен уч-тўрттасини танлаб олдим. "Фақат бир шарти бор, — деди йигит китобларни ўқиётганимни кўриб. — Бизнинг ҳар ҳафтада бир йиғилишимиз бор, ўшанга қатнашишингизга тўғри келади. Қатнашиб, динимизни қабул қилсангиз, мукофоти бор!" — қизиқтиришда давом этди йигитча. "Қабул маросими қандай бўлади?" — соддалик билан сўрадим мен. "Ҳаммамиз билан руҳоний бошчилигида чўқинасиз, муқаддас жумлаларни такрорлайсиз, муқаддас сувдан ичасиз". "Хўш, мукофоти қанақа экан?" —савол назари билан қарадим унга. "Динимизга кирганингиз заҳоти қўртдек санаб юз доллар оласиз. Мабодо ўзингиз билан одамларни эргаштириб келолсангиз ҳар бири учун эллик доллардан оласиз". "Алдамаяпсизми, тақсир?" - ўсмоқчилайман аста. "Юз доллар "қора бозор"да эллик минг сўм. Ҳар ҳолда каттагина пул". "Минг сўмга чиқмайдими. Биз барибир тўлайверамиз. Икки йилча бўлиб қолди, бошида пулига учиб насронийликни қабул қилган эдим, энди ҳақиқатан ҳам қизиқиб қолдим: Менга эргашганлар сон мингта". "Ота-онангиз мусулмонми?" - сўрадим мен. "Нима бало, терговчимисиз? — Йигитчанинг масалага чуқурроқ ёндошаётганлигимизни кўриб жаҳли чиқди. — Хўш, нима қилдик, ока, борасизми?". "Йўлим тушса албатта ўтарман", - дедим-да юмшоқлик билан йигитчани машинадан тушириб юбордим.

Бир зиёли танишим бор, олий маълумотли, нуфузли идоралардан бирида хизмат қилади. "Мен будда динига жуда қизиқиб қолдим, - деди у бир куни гапдан-гап чиқиб. — Шу динга кирсамми деб турибман". "Нима сабабдан? - деб сўрадим ундан. — Бирор-бир жиддийроқ нарса юз бердими?" "Бир қўшним Шри Ауробиндонинг китобини ўқишга берди. Уни ўқиган сайин ажабтовур ҳолатга туша бошладим, бамисоли менинг учун ёзилгандек, ҳақиқий дин шудек туюла бошлади. Агар истасангиз, ўқишга бериб туришим мумкин, фақат қайтариб бериш шарти билан". У шундай деди-ю, эртаси куни Шри Ауробиндонинг бир рисоласи билан Шри Шримад А.Ч.Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг "Бхагавад Гита" китобларини келтириб берди. Мен ўқиб чиқдим ва танишимга буларга фақатгина танқид назари билан ёндошиш кераклигини айтдим.

Холисанлилло айтганда, христиан, будда динларини тарғиб қилувчи китоблар ниҳоятда кўпайиб кетди. Яна денг, бу китоблар ниҳоятда олий навли, оппоқ, ялтироқ қоғозларда, чиройли ҳошиялар ва ақлни ўғирловчи ажабтовур суратлар билан безатилган бўлади. Масалан, менга Зарафшон ресторанининг олдида бир ўрис аёли тутқазган, Олмонияда 1995 йили чоп этилган "Познание, ведушее к вечной жизни " китобида христианларнинг жаннати, Исо алайҳиссаломнинг хочга михланган ҳолати ва чўқинаётган аёл шундай ёрқин тасвирланганки, беихтиёр маҳлиё бўлиб қоласан, киши.

Мени айбламанг-у, бизнинг исломий китобларнинг аҳволи улар билан таққослаб бўлмайдиган даражада ночор. Аксарияти ниҳоятда сифатсиз, хира, кулранг-сарғимтир қоғозларда босилган. Кўпчилигининг ҳатто ёзувини ҳам ўқиш қийин. Бунинг устига нархлари ҳам осмонда.

Ҳақиқий Исломни жаҳолат ва бидъатлардан сақлаш учун аҳолининг диний саводхонлигини ошириш зарур. Диний саводхонликни яхшилаш учун кўп миқдорда сифатли адабиётлар зарур. Бу йили мана шундай залолатнинг олдини олиш учун Ислом университети ташкил этилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

"Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда", - дедилар муҳтарам юртбошимиз. Албатта, қалбининг энг муқаддас жойида Аллоҳга ўрин бера олган одамни ҳақиқий Исломдан, динидан чиқариш, бошқа динларга тарғиб қилиб, йўлдан оздириш мумкин эмас. Аммо, диний саводхонлиги паст, дунёқараши тор, имони ночор одамни турли-туман диний адабиётлар, ваъдалар билан йўлдан оздириш юз доллар билан насронийликка, эллик рупия билан буддизмга, йигирма беш иен билан Аум Синрикё мазҳабига, ўн рубл билан "Ҳаво ранглилар жамияти"га, беш марка билан вампирлар клубига аъзо қилиш ҳеч гап эмас.

Ўзини муслим ҳисобловчи ҳар бир инсон бу борада ўзининг қатъий фикрига эга бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Мустақил диёримизда барча миллат ва элатлар ўз диний эътиқодларини, ибодат амалларини бажаришларига барча шарт-шароитлар яратилган. Буларнинг барчаси ҳаётимиз қомуси - Конституцияда кафолатланган. Мачитлар, черков ва синагогаларнинг фаолиятини ҳеч ким тақиқлагани йўқ. Аммо ҳар хил дин ва мазҳаб одамларни ўз динига тарғиб қилишларига қонун асосида йўл қўйилмаслиги керак. Бу борада ҳурматли уламо ва олимларимизнинг фикрлари қандай?

Алижон ЗОҲИДИЙ,
1-тоифали шифокор

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мамлакатимизда диний эътиқод эркинлиги қонун асосида мустаҳкамланган. Яъни, ҳеч ким эътиқоди учун таъқиб этилмайди. Бироқ, кейинги пайтлардаги воқеа-ҳодисалар шуни кўрсатмоқдаки, эътиқод ташвиқоти мутлақо бошқа масала. Яъни, масъулият, билим маъносида бошқаларни эътиқодга тарғиб этишни ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Бу фикр нафақат ислом динига, балки бошқа дин кишиларига ҳам дахлдор: Хусусан, пул-буюм ҳадя қилиш йўли билан, қимматбаҳо китобларни бепул тарқатиш йўли билан даъват этиш ҳақли равишда шубҳа ҳам уйғотади. Шу маънода муаллифнинг хавотирига қўшилиш мумкин. Бу - кўпчиликни ўйлантириб, хушёрликка чақирадиган мавзу.

НАВБАТДАГИ ЮТУҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Газетамизнинг 20(122)-сонида ютуқли бошқотирма ғолиблари эълон қилинган эди. Ўтган ҳафтада уларга совринлар берилди. Ютуқларни суратларда кўриб турганингиздек, ҳомий — Самарқанд шаҳридаги "Интизор" МЧЖ раҳбарлари топширишди.

Азиз муштарийлар! Газетамизни доимо кузатиб боринг, кейинги сонларимизда ҳам шундай ютуқли бошқотирмалар эълон қиламиз. Ажабмаски, Сиз ҳам бирор ютуқ ғолиби бўлсангиз.

ОЛМОН ХАНДАЛАРИ

— Жаноб доктор, менга тезлик билан ёрдам беринг, бундан ўн йил муқаддам олтин танга ютиб юборган эдим.

— Нега шунча вақт ўтгандан сўнг келдингиз?

— Шу кунгача менга пул керак эмас эди-да!

* * *

Врач беморни узоқ ва синчиклаб текширди.- Ниҳоят деди:

— Мен касалингизни аниқлаб бера олмайман. Бунга алкогол ҳалақит бераяпти, шекилли.

— Ҳечқиси йўқ, жаноб доктор! Балки сиз хушёрроқ бўлганингизда келганим маъқулдир? — деди бемор кулимсираб.

* * *

Берлинлик дерматолог Лассар ҳузурига узоқ қишлоқдан келган бир бемор соч тўкилишига қарши восита беришини илтимос қилди. Лассар беморни текшириб кўрди ва унга рецепт ёзиб берди.

— Вақти-вакти билан келиб кўриниб туринг! — деди Лассар.

— Бу мен учун қийин масала, жаноб доктор, чунки мен Берлиндан узоқда яшайман, — деди бемор.

— Майли унда менга бир неча соч толаларингиздан юборинг. Мен уни микроскопда текшириб сизга ёзма равишда кўрсатма бериб тураман.

Бемор уйига қайтиб кетди ва йил давомида почта орқали соч толасидан юбориб турди. Ниҳоят у охирги хатида шундай сўзларни ёзди:

— Жаноб доктор, бу юборяётган соч толаларимнинг энг охиргиси. Бутунлай кал бўлиб қолдим. Энди нима қилай?

* * *

Тренер футбол ўйинидан сўнг ўрта ҳужумчининг ҳаракатидан норози бўлиб деди:

— Сендаги иккита нарса менга ёқмайди.

— Қани, нима экан улар?

— Сенинг ўнг ва чап оёқларинг!

* * *

Енгилгина ерга йиқилган ўрта ҳужумчи овозининг борича қичқириди-да, майса устида думалай бошлади. Шу заҳотиёқ иккита тиббий ёрдамчи ўйинчига тез ёрдам кўрсатиш учун жонҳолатда чопиб кетишаётган эди, судья ҳуштак чалганча уларни қайтариб юборди:

— Қани, ёрдамчилар, тезда орқангизга қайтинг! Дарҳол бунга театр танқидчисини топиб келинглар!

Олмончадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси

Панжара

"ДАСТИНГДАН ДОД.!"

Дедими ёки бошқа бирон нарса сабаб бўлдими, ҳартугул бу ёғи бизга номаълум. Бироқ, биздаги тезкор маълумотга кўра Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги юқори қаватли уйлардан бирида яшовчи Дмитрий Пак уйида хотини билан жанжаллашиб қолганидан сўнг икки яшар. қизи Натальяни қўлига олиб, балконга чиқади-ю, уйнинг саккизинчи қаватидан пастга сакрайди.

Бу мудҳиш воқеа сабаблари билан прокуратура ходимлари шуғулланишмоқда.

ҚОПДАГИ ЖАСАД

Кеча ярим кечаси соат учларда хизматни ўташаётган ходимларимиз икки йигитчанинг ғалати ҳаракатларидан шубҳаланишиб, уларни тўхтатиб текшириб кўрадилар.

Ё алҳазар! Қопда танаси бир неча бўлакларга бўлинган жасад уларни сескантиради. Гумондор шахслар ички ишлар бўлимига олиб келтирилиб сўраб-суриштирилганидан сўнг шу нарса маълум бўлдики, Розия исмли аёл икки ўғли Рамил ва Рафаэл билан биргаликда эри Энверни пичоқ билан ўлдиришиб, бир неча бўлакларга бўлиб ташлашган. Сўнгра жасадни ўғилларига бериб уни яшириб келишни буюрган.

Эру хотин урушининг касофати нафақат ўзларини, балки фарзандларни ҳам балога гирифтор қилгани аянчли. Бироқ, қилмиш-қидирмиш дейдилар. Ўйлаймизки, прокуратура ходимлари онасининг изига кириб, отасини бевақт гўрга элтган фарзандларга ҳам "арзирли" жазо тайинласа керак.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими

БОРСА — КЕЛМАС

Хотира-ўй

Ихтиёр РИЗО

Минг тўққиз юз
ўттиз олтинчи йиллардан
то кечага қадар...
Тонна-тонна бетонлар,
милён-милён кирпичлар
Борса-келмас оролига
тинимсиз
юкланди, ташилди...
қанча-қанча кемалар
Орол томонга йўл олди
Ва янгидан-янги
лабораториялар -
Даҳшатдан даҳшатли
крематорийлар
тикланди, қурилди.
Кейин...

Кейин эса бузилди
секин-секин мувозанати
Оролнинг - гўзал ҳаёти
тузлар тагида йўқ бўлди.

Минг йил бундан аввалги
улуғ салтанати,
оламшумул саховати,
истасак ҳам, истамасак
ҳам
тугатилди Туронимнинг...
Балки онгли,
балки онгсизларча -
кундан-кунга
кўпайди иллати.
Неча-неча уруғларга,

Элатларга парчаланди,
бўлинди,
у ягона буюк миллати...
Ўттиз олтинчи йиллардан
то кечага қадар
империянинг режалари
кетмади бадар...

Янги-янги бактериологик,
кимёвий даҳшатлар
яратилди...
Дунёмизда
инсонлар устида
ўтказилди
хилма-хил тажрибалар,
тугамас синовлар,
авж олиб кетди
мамлакатимизда тийиқсиз
овлар...
Кейин турли-туман
элатларга
тарқатилди

"Сибир язва"си сингари,
"Ярослав ўлати" мисоли...
Ўз эшикларимиз
истасак ҳам, истамасак
ҳам,
бетимизга қарата
шарақлатиб ёпилди
Ва... қайтадан ўлимларга,
иллатларга маҳкум бўлди
Қизилқумим, Қорақумим,
минг-минг йиллар бўйи
нур таратган
Зарафшоним...
Турли-туман иллатларга
у тинимсиз макон бўлди.
Секин-секин,
баъзи-бир жонлилар каби
аросатда қолди.
Топилмади дардларига
даволари,
илдиз отди юрагида
кундан-кунга ўлатлари,
ваболари...
Ўттиз олтинчи йиллардан
то бу кунга қадар
Борса-келмас оролидаги
хилма-хил
лабораторияларда
мушуклар, сичқонлар
ва ҳар хил ҳайвонлар
билан бирга
моховлар ҳам
синов хомашёси бўлди...
Катталаримиз,
ҳокимларимиз,
яна-яна аллакимларимиз,
минғирлаб устимиздан
кулди:
"Ҳа-ҳа! Қуритамиз
битта қўймай
уруғингизни..."
Бу кун ҳам
ўша ҳокимларимиз,
кимлар билан
кимлардир бу
аллакимларимиз,
оғу қотадилар
ошларимизга,
ўт ёғдириб бошларимизга.
Зиндон деворларидан
чиққандай
ОЗОДЛИКка чиққан
бўлсак-да,
Ҳали-ҳамон
оғулидир тупроғимиз,
заҳарлидир
чаманимиз, япроғимиз...
Оролдаги
лабораторияларимиз,
У даҳшатли
крематорийларимиз
Устимизда ҳокимдирлар...
Эҳ, қўйинг, сўраманг...
Ахир, улар...
Насиб этсин
ўзлариники, ўзларига...
Улар кимдирларки?!

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 281-ўрта мактабни 1998 йилда битирган Қосимов Шуҳрат Рустамович номига берилган ORB No 025200 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ